

Gazeta

1997 - yil

27 -

avgustdan

chiqa

boshlagan

# HUQUQ

Mustaqillik  
huquq  
demakdir

№ 52 (211),

26-dekabr - 1-yanvar

2001-yil

YURIDIK GAZETA



Бу шундай айёмки,

Шундай эзгу кун,

Янги йил базмида қувонар барча.

Азиз одамларни табриклаш учун,

Ўрмондан ясаниб келади арча.

Дарахтлар инсонга қадрдон дўстдир,

Ўчоқларда олов қолмағай ўчиб,

Янги йил кечаси ўрмон бирма-бир

Одамлар уйига киргайдир кўчиб.

Ям-яшил ловуллаб қадди-қомати

Арча виқор билан тўрга ўтгайдир.

У кирган рўзгорнинг келар омади

Иқболи қулгайдир, дарди кетгайдир.

Чувиллаб арчани ўрар болалар,

Болалар айланиб рақсга тушгайдир.

Бу гўзал байрамга ҳаваси келиб,

Осмондан юлдузлар пастга тушгайдир.

Бу шундай аёмдир,

Шундай эзгу кун,

Мустақил юртимда қувонгай барча.

Азиз одамларни табриклаш учун

Янги йил ясадиб қўйибди арча.

Рустам МУСУРМОН

**Янги —  
2002 йил  
барчангизга  
қувонч ва  
бахт олиб  
келсин,  
азиз  
юртдошлар!**



# «HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

**Ta'sischiilar**  
O'zbekiston Respublikasi  
Bosh prokuraturasi,  
Toshkent shahar va Toshkent viloyati  
prokuraturalari,  
«Qonun himoyasida» jurnali

**Bosh muharrir:**  
Abdusolix  
ABDURAZZOQOV

## Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,  
Komiljon Ismoilov,  
Dilshod Isomov  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Shavkat Yodgorov  
(mas'ul kotib),  
Lola Shomurodova,  
Muxtor Shodmonov,  
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot  
qo'mitasida №00150 raqam  
bilan ro'yxatga olingan  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

**Manzil:** Toshkent shahri,  
akademik Yahyo G'ulomov  
ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34.

**Reklama va e'lonlar:**  
133-82-34, 77-59-31.

**E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlar egalari  
qaytarilmaydi.  
Mualliflarning fikrlari  
tahririyat fikridan farqlanishi  
mumkin. Gazetada bosilgan  
fakt va dalillar uchun  
muallif mas'ul.  
Nashrimizdan ko'chirib  
bosilganda «Huquq»dan  
olinganligi ko'rsatilishi shart.  
Tijorat ahamiyatiga molik  
materiallar «belgisi ostida»  
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter  
bazasida terildi va sahifalandi.  
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasida ofset  
usulida A-3 formatda  
chop etildi.  
Korxona manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149  
Nusxasi — 15475  
Bosmaxonaga topshirish  
vaqti 20.00  
Bosmaxonaga  
topshirildi 20.30  
Gazeta haftaning chorshanba  
kunlari chiqadi  
**Navbatchi muharrir:**  
H. NISHONOV  
**Navbatchi:** F. MAMASHARIPOV  
Sotuvda erkin narxda  
**1 2 3 4 5 6 7 8**

## ● ЎЗБЕКИСТОН ПРОКУРАТУРАСИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Сухбатдош ҳақида:

Азиз МУҲАМАДАЛИЕВ,  
1926 йил 1 январда туғил-  
ган. 1953 йили Тошкент  
Давлат юридик институтини  
битирган. Прокуратура  
тизимида 33 йил ишлаган.

«Жамоат тартибини  
сақлашдаги аъло хизматла-  
ри учун» медали, «Проку-  
ратуранинг фахрий ҳодими»  
қўрак нишони билан  
тақдирланган. Икки  
фарзанднинг отаси, 6  
неваранинг бобоси.  
Айни даврда қарилик  
гаштини сурмоқда.



файли қанчалаб инсонлар бевақт  
хаётдан кўз юммади дейсиз. Энг  
ачинарлиси, аввалги ноҳақликлар  
туфайли прокуратура деганда

ди. Уларнинг  
оилалари ва  
қариндош-  
уруғлари чек-  
кан азоблар-  
ни бугун эс-  
ласангиз та-  
нангизда тир-  
роқ пайдо  
бўлади. Гўяки  
ва Иванов  
сингари тер-  
говчиларнинг  
қилмиши ту-  
файли қанчалаб инсонлар бевақт  
хаётдан кўз юммади дейсиз. Энг  
ачинарлиси, аввалги ноҳақликлар  
туфайли прокуратура деганда

оиласи ҳам қанчалик жабр чеки-  
шини кўз олдингизга келтиринг.  
Бундай ҳолда сотувчи 4-5 йил қама-  
лишдан ташқари, унинг мол-мул-  
ки ҳам мусодара қилинарди. Энди  
эса ундай эмас. Жазо тайинлашда  
унинг муқобил турларини кўпайти-  
риш билан бирга, шахснинг мол-  
мулкини мусодара қилиш ҳақидаги  
санкция кодексдан чиқариб таш-  
ланди. Миллий кадрларимизга  
мос бўлган ярашув ҳақидаги  
ҳуқуқий нормаларнинг киритили-  
шини ҳуқуқий демократик жамият  
сари қўйилган жуда катта қадам  
деб баҳолаш мумкин.

— **Азиз ака, меҳрибон устозлар-  
ни боғбонга ўхшатишда. Янги йил  
арафасида устозларни ва шогирд-  
ларни эслашнинг ўзи қалбга илиқ-  
лик бағишлайди.**

— Халқимизда «устоз отангдан

# ЯХШИЛАРНИ устоз деб билдим

— **Азиз ака, кексалик гаштини  
сураётган инсонлар ўзлари босиб  
ўтган ҳаёт йўллари ҳақида тез-тез  
ўйласалар керак?**

— Қарилик — донишмандлик, де-  
ган сўзни Шарқда кўп такрорлаш-  
ди. Бу сўз мағзини ёшинг бир жойга  
борганда англалар экансан. Умр деган  
жўшқин дарёдек нарсаси эканки,  
уни тўхтатишини ҳеч иложи йўқ.  
Вақтнинг ўтишини қаранг, ҳаёлимда  
кечагина институтни битириб, Фар-  
ғонага ишга боргандайман. Орадан  
салкам ярим аср ўтибди-я.

1953 йилнинг август ойи эди.  
Ишчи Горский (ҳозирги Ўзбекистон)  
туманида терговчиликдан бошладим.  
Туман прокуратураси дала шйпо-  
нида жойлашган экан. Шароит ҳақида  
гапирмасам ҳам бўлади. Давр ҳам  
огир эди. Хали мамлакат урушининг  
огир асоратидан қутулиб улгурма-  
ган, прокуратуралар энди оёққа тура  
бошлаган давралар эди. Асосий  
транспорт — от-арава. Фақат вилоят  
прокуратурасида биттагина эски  
«Москвич» автомашинаси бўларди.  
Бугун ана шу қийинчиликларни эс-  
лаганимда мундирчи ярашган, ком-  
пьютер билан ишлаб ўтирган сер-  
гайрат йигит-қизларга ҳавасим кела-  
ди. Чунки улар учун барча иш қурол-  
лари мўҳайё. Энг ривожланган тех-  
никалардан фойдаланишди.

— **Собиқ Иттифок давридаги про-  
куратуранинг ҳақ орасидаги обрўси  
ва ўрни ҳақида нима дедиласиз?**

— Сир эмас, Иттифок даврида  
ҳақма ишлар Москванинг топи-  
риғи асосида юритиларди. Қадрлар  
масаласини ҳам улар ҳал қиларди.  
Прокуратура қонунда мустақил эди.  
Амалда эса коммунистик партиянинг  
чимизидан чиқмасди. Яқин йиллар-  
даги ишларга халқимизнинг ўзи гувоҳ  
бўлди. «Пахта иши», «Ўзбек иши»  
деган қуруқ тухма туфайли қанча-  
лаб бегуноҳ инсонлар ноҳақ қамал-

қўчилиқнинг кўз олдида жазо-  
ловчи орган пайдо бўладиган  
бўлди. Яратганга минг қатла шу-  
кур, мустақиллигимиз туфайли  
халқимиз орзу қилган қуларига  
эришди. «Қонун ҳимоясида» жур-  
нали ва «Хуқуқ» газетасидаги  
«Прокурор ёрдам берди» рўки-  
ни ўқиб қалбим тоғдай кўтарил-  
ди. Сабаби ушбу мақолаларни  
ўқиган инсонлар прокуратурага  
наҳот излаб келади. Собиқ тузум  
даврида прокуратурага ҳеч ким  
ўз оёғи билан ёрдам сўраб кел-  
маган. Менинг дилимга ёруғлик  
бағишлаган нарсаси шунки, одам-  
лар прокуратурага ишонч, умид  
билан келишарди. Прокуратура  
тизимида ишлаётганлар учун бун-  
дан ортиқ бахт борми? Ўтмиш  
билан бугунни таққослаганда ана  
шундай фикрлар ҳаёлимдан ўта-  
ди.

— **Азиз ака, мустақилликдан  
сўнг қўллаб янги қонунлар қабул  
қилинди, қиллари тақомиллаш-  
тирилиб боришмоқда. Сиз таж-  
рибали ҳуқуқшунос сифатида ана  
шу янгилар ҳақида таъкидла-  
шармизми?**

— Олий Маҳлисининг олтинчи  
ва еттинчи сессияларида қабул  
қилинган қонунларнинг инсонпар-  
варлиги ҳақида соатлаб гапириш  
мумкин. Биргина «Жиноий» жазо-  
ларнинг либераллаштирилиши  
муносабати билан Ўзбекистон  
Республикасининг Жиноят, Жи-  
ноят-процессуал кодекслари  
ҳақда Мазмурий жавобгарлик  
тўғрисидаги кодексига ўзгариш-  
ришлар ва қўшимчалар киритиш  
ҳақидаги Қонунни олинг.

Иттифок даврида дўхонда иш-  
лаётган бирон сотувчи харидор  
ҳақидан 1 сўм уриб қолса борми?  
Агар шу ишлар судга ўтса бундан  
нафақат сотувчи, балки унинг

улуғ» деган гап бор. Ҳақиқий устоз  
шогирдлари қамолдан боши ос-  
монга етди. Прокуратура тизими-  
га мендан олдин келган ҳар бир  
инсонни ҳурмат қилиб эътибордан  
тўқим ва устоз билдим. Уларнинг  
қўчилиғи дунёдан ўтиб кетди.  
Яратган уларнинг жойини жаннат-  
дан қилган бўлсин. Шогирдларим  
ҳақида ўйласам, Мирағлам Мирза-  
ев, Улугбек Иномжонов ва Сарвар  
Алиевларнинг талабаликдаги че-  
ралари кўз олдимга келади. Сод-  
да, самимий бу йигитлар ТошДўни  
битириб келиб прокуратурадаги илк  
собоқни мендан олишган. Улар  
менинг ишончимни оқлашди. Бу-  
гун Мирағлам Тошкент шаҳар про-  
курорининг 1-ўринбосари, Улугбек  
Тошкент вилояти прокурорининг 1-  
ўринбосари, Сарвар Миробод ту-  
мани прокурори. Буларга ўхшаш  
шогирдларим кўп. Ушбу суҳбат ба-  
ҳонасида уларга айтадиган икки  
огиз гапим бор.

— **Марҳамат.**

— Прокуратура тизимида иш-  
лаётган ҳар бир инсон юртбоши-  
ми Исрол Каримовнинг «...проку-  
ратура халқнинг устидан назорат  
қилмаслиги, аксинча, унга хизмат  
қилмоғи даркор» деган сўзларини  
ўзига дастуриламал қилишини иста-  
рдим.

Иш столининг устида муқаддас  
қитомимиз «Қуръон» билан «Ўзе-  
бекистон Республикаси Конституци-  
яси» ва «Прокуратура тўғрисида»ги  
қонун турган прокуратура ҳодими  
ҳаётда қокилмайди. Ана шунда адо-  
лат таросини тўғри туғади. Яна  
бир ниятим: инсон учун эл назари-  
да бўлишдан улуғ бахт йўқ. Бунинг  
учун эса инсоннинг ўзи ҳам, қалби  
ҳам пок бўлиши керак.

Сухбатдош:

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

## ● ЎТГАН ҲАФТАДА

### ПРЕЗИДЕНТ ТАШАБУСЛАРИ БМТ СЕССИЯСИ КҮН ТАРТИБИДА

Бирлашган Миллатлар Ташки-  
лотида Ўзбекистон Президентининг  
БМТ Бош Котиби Кофи Аннанга  
Афғонистонда урушдан кейинги тинч  
ҳаётни тиклаш борасида Ўзбеки-  
стон нўқтаи назари баён этилган  
ёзма мурожаати ҳужжат сифатида  
нашр этилди ва тарқатилди.

Қутилганидек, мамлакатимиз  
раҳбарининг янги ташаббуси ҳам  
Афғонистонга қурул-яроғ киритиш-  
ни таъқиқлаш, Марказий Осиёда  
ядро қурилиши холи ҳудуд ташкил  
этиш каби аввалги ташаббуслари  
сингари БМТ 56-сессиясида ишти-  
роқ этаётган кўпгина давлат деле-  
гациялари вакилларида том маъ-  
нода қизиқиш уйғотди ва фикр ал-  
машувларнинг асосий мавзуслари-  
дан бири бўлди.

Мазкур ташаббуснинг муҳим  
жиҳати шундаки, у нафақат Афғо-  
нистонда тинччилик эришиш, барқ-  
арорлик ва хотиржам ҳаёт ўрна-  
тишга, балки минтақавий ва гло-  
бал хавфсизлик тизимини мустаҳ-  
камлашга хизмат қилади.

«Жаҳон» АА,  
Нью-Йорк

### ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Афғонистон Муваққат маъмури-  
ятининг тақлиғи бироан, ташқи  
ишлар вазирни А.Комиллов бошчи-  
лигидаги Ўзбекистон Республика-  
си делегацияси шу йил 22 декабрь  
куни Кобулда Президент Б.Раббо-  
нийнинг мамлакат Муваққат маъ-  
мурияти раҳбари Х.Карзайга ҳуку-  
мат ваколатларини топшириш ма-  
росимида иштирок этди.

Ташриф давомида Ўзбекистон  
делегациясининг Х.Карзай, Б.Раб-  
боний, Афғонистон ташқи ишлар  
вазирни А.Абдулло ҳамда ушбу ма-  
росимда иштирок этган Эрон, По-  
кистон, Бельгия ва бошқа мамла-  
катлар делегациялари раҳбарлари  
билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида  
Афғонистоннинг янги раҳбари Аф-  
ғонистонда тинчлик жараянини  
қўллаб-қувватлагани ҳамда мин-  
тақавий хавфсизлик ва барқарор-  
лиқни мустаҳкамлаш йўлида олиб  
бораётган сиёсати учун Ўзбеки-  
стон Республикаси Президенти  
Исрол Каримовга миннатдорлик  
билдирди.

Х.Карзай ўзи бошқараётган маъ-  
муриятнинг қўшни Ўзбекистон би-  
лан дўстона ва ўзаро манфаатли  
муносабатлар ўрнатишга бўлган  
қатъий интилишини эътирд.

«Жаҳон» АА

## ● МУРУВВАТ



«Савоб ишни ҳар ким қилиши керак,  
савоб ишни ҳар ким қилиш керак». Саховат  
йўлида айтилган бу гапларда бир олам

бонлик уйи»да болажонлар учун яна бир  
саховат кўрсатилди. Шаҳар прокуратураси  
ва Боғишамол туман ИИБ ходимлари бир-  
га

## САХОВАТГА БАХШИДА УМР

маъно бор.

Кани энди бир  
онизирингизимиз,  
кўрсатган хайру-  
савобимиз билан  
ота-она меҳридан  
эрта жудо бўлган  
кемтик қалб эгала-  
рига мурувват  
кўрсата олсак.

154 нафар бола  
тарбияланаётган  
Самарқанд шаҳри-  
даги 6-Меҳри-  
бонлик уйи»да болажонлар учун яна бир  
саховат кўрсатилди. Шаҳар прокуратураси  
ва Боғишамол туман ИИБ ходимлари бир-  
га

лика болажонлар учун хайрия концерти  
ташкил қилди. Айниқса, концертда Тоҳир  
Содиқов бошчилик қилаётган «Болалар»  
гурухининг қишқи болажонларнинг қувончига  
қувонч қўлди.

Савоб қилсанг бутун қил, деганлари-  
дек, «Меҳрибонлик уйи»да ўз ёрдамлари-  
ни амайдиган бир қатор қорхона ва таш-  
килотлар бугал ҳам ёрдам қўлларини қўзди-  
лар. Жумладан, «Нафис» чинни буюмлар  
ишлаб чиқариш хиссадорлик жамияти 154  
нафар болажонларнинг ҳар бирини қишқи қийим-  
кечаклар билан таъминлади. «Сино» акци-  
ядорлик жамияти «Меҳрибонлик уйи» учун  
«Сино» музлатгичи тақдим этди. «Автотех-  
хизмат» қорхонаси эса базм дастурхонини  
безашда ўз хиссасини қўшди.

Худди шундай хайрия тадбири шаҳарда-  
ги 10-«Меҳрибонлик уйи»да ҳам бўлиб ўтди.  
Самарқандлик санаториор Маҳмуджон Сало-  
мовнинг қўшқилари болажонлар қалбига  
олам-олам қувонч олиб кирди. Даврада  
шўх-шўқ уйин-қўлгулар аватга қилди.

Концертдан сўнг Самарқанд вилоят ге-  
ология ишлаб чиқариш бошқармаси хомий-  
лигида болажонлар тўшқил дастурхони таш-  
кил этилди. Ҳиммат қилганларнинг Ҳиммат  
топиши тайин. Шундай экан, ютуқларимиз  
калит бўлган саховат ҳар бир ишчимизда ўз  
аксини топа олса, қандай яхши!

Аълам ХАЙДАРОВ,  
Самарқанд шаҳар прокурори  
вазифасини бажарувчи





# Бу шундай айёмдир, шундай эзгу кун...

## ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДА

Ташқарида ажиб бир ҳолат. Дилда  
Қор соғинчи каби бир мубҳам туйғу.  
Хайқирдим кўл чўзиб гўёки қилга:  
— Эски йил қаврига чўкялман, ёху!..

Танамни қутқарар дўсту ёронлар,  
Бироқ руҳим қайда, ҳеч ким билмайди.  
(Ҳар қандай илтифот гашим кўзғатар,  
Қадрдон ҳислардан кечгим келмайди.)

Шодон даваларда табриклар янграр,  
Янги тилакларга айланмас тилим.  
Оҳ, маҳзун ҳолими бунда ким англар?..  
Кўзимда шайқатор кўнглимнинг сели.

Ўтмишга алявдо десам батамом,  
Балки эрта бир кун афсус қилмасман.  
Лекин муҳаббатим — ул эски армон,  
Ул гўзал қайғумни топа билмасман...

Сирожиiddин РАУФ

## ТОШКЕНТДА ҚИШ

Оппоқ ҳарир парда ёпинган борлиқ,  
Кўк булут-говмишин бетиним соғар,  
Атроф шундай гўзал, шундай виқорли,  
Гўё қормас, кумуш зарралар ёғар.

Яхмалак отишар бир тўп болалар,  
Кувончига олам келгудайин тор.  
Сезилмас аёз ҳам бундай паллалар,  
Улар кўнгли каби ҳаво бегубор.

Она Замин меҳри, ҳарорати-чун,  
Дарахтлар саждага эгиб турар бош.  
Пинҳон орзуларин куйлашар беун,  
Тушлариға кирар баҳор ва кўёш.

Олис уфқларни нигоҳ-ла кучиб,  
Кўкўпар бинолар сурмоқда ҳаёл.  
Кранлар буй чўзган — совуқдан жунжиб,  
Бир оёқда турган лайлаклар мисол.

Хиёбонлар худди оппоқ дастурхон,  
Қиш унда ўз базмин эттирар давом.  
Туймай тикилман, дилда ҳаяжон,  
Шодлик ёғаетир гўё бу айём.

Эркин ҳаволарда яшарган шаҳрим  
Оқ рўмол ўраган келиндай зебо.  
Азалий удумни ёд этиб балким,  
Тангалар сочмоқда бошидан само.

Носир МУҲАММАД

## ҚИШ (туркумдан)

1.  
Боғлар мағлуб — шит-шийдон,  
Қарғалар қарғиши ўқ.  
Қаҳри кўзгиган осмон  
Заҳрини сочди — совуқ...

Борлиқ очгандай аза,  
Қаҳратон... Кун изиллар.  
Тарновларда музлайза  
Аждар тишдай тизилар.

Аёз чатнаган кеча,  
Даричанг кўзи хира..  
Кимсасиз музли куча  
Тойринади Хотира.

У тонггача туради,  
Жони чимиллар, отир..  
Сени яхши кўради  
Бир қарагин, тошбағир...

Тонг отади дунёда  
Оппоқ қор... майли, совуқ.  
Чехранг тиниқ зиёдай,  
Сен зиёдан тин-тиниқ...

Яшил пальто, кўк шариф..  
Кўчага чиқдинг — шахдам.  
Деразанга термулиб  
Турар хотира одам.

Совуқларда чидадим,  
Ҳажрга топдим сабр.  
Мени кўрмай ўтасан  
Уҳ, севгилм — Декабр...

2.  
Юзинг лола, шарифинг япроқ,  
Пальтонг яшил, белинг — гул банди.  
Кўксювон бошингда — титроқ,  
Сени қордан қўриб ўртанди.

Зангор... Зангор — бирам ярашиқ,  
Аёз чимчир этикларингни.  
Мен ҳижжаслаб ўқийман ошиқ —  
Қорнинг ажиб битикларини.

Мунча яшиқ... қандай чўзилар,  
Юрак ютиб сенга қайси кўл?  
Қаҳратонда тахҳо мўъжиза,  
Сен ким учун очилгансан, Гул?!

Кўнкор НОРҚОБИЛ

## Саъдулла ҲАКИМ

## ЭҲТИРОМ

Шода жавоҳир ичра марварид дурдонаси,  
Асл меҳнат элининг асрлик қошонаси.  
Шу табаррук Ватандир Ўзбекистон имзоли, —  
Қушойишлар отаси, осойишлар онаси.

Шу табаррук Ватандир бобомни боққан замин,  
Отамнинг томирида қон бўлиб оққан замин.  
Шу табаррук Ватандир онамнинг чеккасиға  
Фасли баҳор айёми чўчмўма таққан замин.


Шу табаррук диёрдир элга эл қўшган замин,  
Инсонлик дарахтида Оқибат пишган замин.  
Шу табаррук диёрдир меҳридан ғазал пайдо,  
Не-не дониш сиймолар меҳри туташган замин.

Табиат суноб уни қўёшли осмон берган,  
Дехқоним деб элга тўкин дастурхон берган,  
Пиласини доналаб, пахтасини эгатилаб,  
Мевасини саралаб, тилласини кон берган.

Отам деб ардоқлайми, онам деб қилай таъзим,  
Болам деб авайласам адо бўлурми қарзим?  
Менинг муҳаббатимдан унинг яшиқ чехраси,  
Унинг саховатидан менинг ҳам турмуш тарзим.

Боболар ўтган йўлда гул кўрдим, дарахт кўрдим,  
Ворис деҳқон ўғлонин тилағида шахд кўрдим.  
«Бир чинор соясида бутун бир эл соялар» —  
Донишманд ҳақ мақолин замонамда ҳақ кўрдим.

...Эй, юртим қучоғида жилваланган хур шамол,  
Ҳар ўғил-қиз қалбига жасорат, шафоат сол.  
Не-не тошқин дарёлар оқиб ўтган Ватан бу,  
Сен Аму, Сир бўлиб оқ, қадим Орол бўлиб қол!



## АСЛИ ЖАННАТ, ВАТАНДИР БИЛСАНГ...

Ўғлим менинг, умидим менинг,  
Осмондайин бегуборимсан.  
Бобонг ўтган шу заминдайин,  
Ватандайин шоҳсуворимсан.

Бобом менга мерос қолдирган,  
Ўзингдайин асра, деб юртини.  
Мен ҳам сенга айтаман болам,  
Кўзингдайин асра шу юртини.

Билсанг Ватан менга шу  
тупроқ — Мана шу тош менинг  
Ватаним.  
Бир кун қазо келса бошимга,  
Бир ғиёҳга айланар таним.

Гул бўлсам-да, тикан бўлсамда,  
Шу ватанни кўриб ётаман.  
Ёғил келса, қалқон бўлиб мен  
Тинчлигини кўриб ётаман.

Ҳок бўлсам-да, туроб бўлсамда,  
Сенга озор етмайди, болам.  
Азар юртга хиёнат қилсанг,  
Менга мазор етмайди, болам.

Ўғил бўлсанг, ўт бўл, олов бўл,  
Кўзларини куйдир ғанимнинг.  
Байроқ бўлгин кўёшдай мангу,  
Қўриқлагин жонсиз танимни.

Ўғил бўлсанг Жалолиддин бўл,  
Темур Малик қўлласин сени.  
Ёғилларни йўлатма юртга,  
Шум қадамлар босмасин мени.

Ўғил бўлсанг, ўғлингга айтгин,  
Бунда отам, отанг ётибди.  
Қўлоғига қуйгин, хор бўлар —  
Кимки Ватанини сотибди.

Ўғлим, мендан сенга бойликмас  
Мерос қолса, Ватан қолади.  
Рақибингга олдиранг уни,  
Номусингга отанг қолади.

Ўғлим бўлсанг, умидим бўлсанг,  
Шу юрт билан бир тан бўласан.  
Боболаринг орзу қилгандай,  
Бир кун буюк Ватан бўласан.

Ислом ҲАМРО


## ЯНГИ ЙИЛ

Музлаб улгурмаган кўллар саҳнида,  
Ҳали шўх тўлқинлар қўвлар бир-бирин.  
Ва лексин кекса-ю, гўдак қалбида,  
Ўтли бир ҳаяжон, туйғу яширин,  
Янги йил — янги йил.

Булутлар осмонда турнадек қатор,  
Фақат қўр-қўрлари келмас қулоққа,  
Коинот ненидир кутар интизор,  
Шамоллар ўтишар тўш уриб тоққа,  
Янги йил — янги йил.

Янги йил, тезроқ кел, изтиробларнинг  
Осмонга ўрласин бурқироқ дуди.  
Яшнат ёноқларин мохитобларнинг,  
Бўстонга айлансин Ватан худуди.  
Янги йил — янги йил.

Йўлдош ПАРДА





# ТАХРИРИЯТГА хат ёзинг

Ўтган йили раҳбарият ташаббуси билан прокуратура идораларида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб нафақага чиққан юздан зиёд фохрийлар тахририят ҳисобидан «Хуқуқ» газетасига бепул обуна қилинган эди. Шу муносабат билан навоийлик З. Сайфиддинов тахририятимизга келиб, бир гуруҳ дўстлари номидан ҳам раҳмат айтиб кетди. У кишининг миннатдорчилиги мактуби газетада эълон қилинди.

Самарқандлик шоира Х. Бобомуродованинг «Хуқуқ»да чоп

Матбуотда кўп йиллар ишлаган журналистнинг эътирофи: хатлар тахририят билан ўқувчиларни боғловчи воситадир. Газета ёки журналга келаётган хатларнинг сони ўша нашрнинг омма ўртасидаги рейтингини маълум даражада акс эттиради. Ўтган 2001 йил давомида «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқуқ» газетасининг умумий тиражи 35-40 минг орасида сақланиб турди. Ушбу рақамларга асосланиб ўқувчиларимиз сони 100 минг нафардан ошгани ҳақида гапириш мумкин. Бирлашган тахририятимизга улардан деярли ҳар кун 5-6 та хат келади. Тахририятга келувчиларнинг ҳам кўшиб ҳисобласак, ўқувчилар билан алоқаларимиз ёмон эмас.

Самарқандлик адибнинг қиссасини эса кейинги сонларда чоп этишни режалаштирганмиз.

Мирзачўллик Н. Алиев, учкудқлик Р. Есполова, жондорлик Б. Жалилов, ургутлик К. Фафуров каби муштариёларимиз тахририятга турли саволлар билан мурожаат қилишгани, уларга га-зетамизнинг «Хуқуқий маслаҳатхона» рукнида баҳолиқудрат жавоб бериб берилди.

Одамлар нашрларимизни ўқибганлиги, муносабат билдираётганлиги қувонарли ҳол. Бироқ ташвишланишга ҳам асосимиз бор: келаётган хатларнинг тенг ярми шикоятлардир. Шикоятми, демак, қайдадир бир инсон ердამга муҳтож.

— Айни пайтда нафақадаман. Уч нафар фарзандим бор. Ёлғиз онаман, — деб ёзади Хоразм вилояти Шовот тумани «Хоразм» ширкат хўжалигида яшовчи Н. Ёқубова.



вилоят иxtисослашган кўз касалликлари марказий тиббий меҳнат эксперт комиссияси аъзолари билан биргаликда О. Ёқубова яшаб турган хонадонга бориб, тиббий хўжжатлар асосида бемор тиббий кўриқдан ўташилди. Комиссия ҳулосасига кўра II гуруҳ ногиронлиги умрбод белгиланди ҳамда нафақа тайинланди.

Ариза муаллифи Н. Ёқубовага текшириш натижалари ҳақида хабар берилди.

Д. Исроилов,  
Хоразм вилоят прокурори,  
адлия катта маслаҳатчиси.

Ҳар иккала хат «Хуқуқ»да эълон қилинган. Шикоятчи про-

жада билмаганлигидан шикоят ёзишмоқда. Тахририятга Сирдарё вилояти Ш. Рашидов туманидаги Т. Малик ширкатлар уюшмасида яшовчи Тожикистон фуқароси Н. Атоев мурожаат қилиб, Ўзбекистон фуқаролиги паспортини олишда ёрдам сўраган эди. Ўзбекистон ИИВ хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи Б. Шорихиевнинг мактубида маълум қилинишича, мамлакатимизда доимий яшашга қолиш ва яшаш гувоҳномаси билан хўжжатлаштириш масалалари Ўзбекистон Президентининг 1999 йил 26 февралдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги қарорига мувофиқ ўрнатилган тартибда кўриб чиқилад.

этилган «Ой келинлар, кун келинчалар» мақолисида тўйларимиздаги анъаналар, фарзанд тарбияси ҳақида фикр билдирилган эди. Мақола юзасидан ўқувчилардан кўплаб мактублар олдик.

«Ёшлигидан фарзандининг кўнглига қараб, инжик, эркатой қилиб ўстирган ота-оналар болалари вояга етганидан кейин айт-

ганимизни тингламайди, ўз кўнглига ёққан ишни қилишни хоҳлайди, деб қолишади. Ана шу пайтда улар бола тарбиясида биров инглишганини англасалар қошқи эди. Шунинг учун ҳам «болани ёшдан, хотинни бошдан» деган мақол бежиз айтилмаган» деб ёзади мангитлик муштариимиз,

хуқуқшунос

П. Матжонов.  
Қизириқлик Т. Шониев ўғли, олтиариқлик Б. Элчиев, тошкентлик Д. Сайид, қогонлик К. Ашуровлар ҳам нашрларимизда чоп этилган мақолалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришган.

Шунга ўхшаб келаётган хатларнинг мавзулари ранг-баранг. Тошкентлик муштариёларимиз Х. Каюмова, М. Ботиров, шовотлик М. Тўлиевалардан қизиқарли кроссвордлар олганмиз. Андижонлик Нуржохон исмли муштариимиз, меҳнатободлик З. Холқўзиева, янгибозорлик И. Исмоиловлар шеър, қашқадар-эя С. Ниёзова, С. Каттабоевлар ҳикоя, самарқандлик И. Аҳмедов қисса ёзиб жўнатишган. С. Каттабоевнинг ҳикояси журналимизда эълон қилинди.



Суратда: Хоразм вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими прокурорлари Х. Ҳантбоев, Б. Абдуллаев ва А. Ваҳобовлар «Хуқуқ»нинг сони билан танишмоқдалар.

— Сизларга мактуб битишимдан мақсад, катта қизим Одида болаликдан II гуруҳ ногирони, кўзи кўрмайди. Қизим 4500 сўм нафақа оларди. Мана, бир неча ойдирки, нафақаси тўхтаб қолди. Сабаби, уни ўз вақтида тегишли кўриқдан ўтказолмадим.

Ўтган йили вилоят ТМЭК аъзоларидан қизимга бир умрлик нафақа тайинлашларини илтимос қилгандим. Бироқ, масала ҳал бўлмади.

Хўмлат тахририят ходимлари! Сизлардан илтимос, мактубимни газетамизда босиб чиқарсангиз. Шояд мутасадди кишилар менинг аҳволим билан қизиқишса.

Ушбу мактуб юзасидан олинган жавобда шундай дейилади: «Хоразм вилоят прокуратураси фуқаро Н. Ёқубованинг тахририятга ёзган аризаси юзасидан текшириш ўтказди.

Текшириш давомида Хоразм

курордан миннатдор бўлиб дуо қилгани аниқ. Биз Дилшод акага яна бир бор раҳмат айтмоқчимиз. Йил давомида тахририятнинг кўплаб сўровларига эътибор билан, ўз вақтида жавоб йўллагани учун. Баъзан эса ўқувчиларимиз ўз ҳақ-хуқуқи ва қонун-қоидаларни етарли дара-

## МУШТАРИЁЛАРГА МАЪЛУМОТ:

2001 йилнинг 11 ойи давомида тахририят ўқувчилардан 797 та хат олган. Шундан 206 таси прокуратура идоралари томонидан текширилиб, хат муаллифларига жавоб берилган. 33 хатдаги вазирлар юзасидан журналист текшируви ўтказилган. 11 та хат муаллифига судга мурожаат қилиш зурурлиги тушунтирилган. 30 та хат юзасидан вазирликлар, ҳокимликлар, ИИБ ва адлия бошқармаларидан жавоб олинган. 17 та хат имзосиз бўлганлиги учун эътиборсиз қолдирилган. Ўқувчиларнинг 200 га яқин мактуби нашрларимизда чоп этилган.

Кейинги пайтларда шикоятчилар бир шикоятини бирданга бир неча идорага жўнатишмоқда. Сирдарёлик А. Иброҳимов, бухоролик С. Асадова, сурхондарёлик Н. Қориев, Ш. Эшонқуловларнинг аризалари шулар жумласидандир. Бунинг аввало инсонийлик этикасига тўғри келмасли-

гини таъкидлаймиз. Иккинчидан, шикоят уни текширишга ваколатли инстанциялардан тўлиқ ўтмаганлиги учун ортқча овозгарчиликни келтириб чиқаради. Яна баъзи шикоятлар борки, уларни ёзган шахслар турли сабабларни рўқач қилишиб, имзо қўйишмаган. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга кўра эса аноним хатлар текширилмайди.

Хулоса ўрнида нима дейиш мумкин? Шоир айтиганидек, «бизни писанд қилганларга минг бора қуллук». Кимнингдир қорига яраганимиздан, кимнингдир кўнглига қувонч бахш этганимиздан хурсандимиз.

Янги йилда ҳам мулоқотимиз давом этишига ишонамиз.

Тахририят

## «ХУҚУҚ» МЕНГА ЙЎЛ КЎРСАТДИ

«Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқуқ» газетасининг муҳлисман. Нашрларингизда чоп этилаётган мақолаларни имкон қадар барчасини ўқиб чиқишга ҳаракат қиламан. «Хуқуқ»да доимий равишда бериб борилаётган «Прократура аралашуви билан», «Прократура ёрдам бериш», «Хуқуқ» почтасидан» ва «Хуқуқий маслаҳатхона» рукнидаги материаллар менимча газета ўқувчиларини бефарқ қолдирмапти. Муштариёлар уларда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари, хуқуқий билимларини оширишлари билан бирга ҳақ-хуқуқлари, улар бузилган тақдирда қандай йўл тутишлари лозимлиги ҳусусида ҳам тегишли тушунарларга эга бўлмоқдалар. Масалан, «Хуқуқ»нинг ўтган сонларидан бирида «Прократура фуқаролар ҳақ-хуқуқлари ҳимоячиси» деган мақола чоп этилган эди. Буни қарангки, шу кезларда қорхонамиз раҳбарларининг менга нисбатан қилаётган адолатсизликларидан изтироб кечиб юрган эдим. Анчироқ айтмаганд бўлсам, 1996 йилдан буён вилоят фавқулодда вазирлар бошқармасига қарашли Термиз шаҳар идорасида навбатчи вазифасида ишлаб келардим. Зиммамдаги вазифаларни виждонан бажариб келганман. Бирон маротаба интизомий жазога тортилмаганман. Лекин шунга қарамастан бошқарма бошлиғи О. Отақулов мени нафақа ёшига етганлигимни рўқач қилиб, шидан бўшатди.

Юқоридаги мақола туртки бўлди-ю, ҳарбий прокуратурага мурожаат қилдим. Аризамни ўраганиб чиққан адлия катта лейтенанти К. Жумаев раҳбариятга ходимнинг нафақа ёшига етганлиги меҳнат шартномасини бузишга асос бўлмаслигини, шу ваздан мени шидан бўшатиш тўғрисида чиқарган булруғи қонунга зидлигини маълум қилди. Ҳатто ҳарбий прокурор томонидан бошқарма бошлиғи номига протест кириштиди. Лекин протест қамоатлангизилмади. Шундан сўнг мазкур прокуратура томонидан фуқаролик аризи бўйича Термиз туманлараро судига даъво аризаси кириштиди. Суд даъвои асосли деб топди. Мен эса яна ўз вазифамга тикландим.

Мен адолат тикланишида қатъиятчилик кўрсатган ҳарбий прокуратура ходимларига, мени прокуратура идорасига мурожаат қилишга ундаган «Қонун ҳимоясида» бирлашган тахририятга самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Жўра КОДИРОВ,

Сурхондарё вилояти





# Сарҳисоб

МУНОСАБАТ

## БИЗНИ ҚУВОНТИРАДИ ДЕГАН УМИДДАМИЗ

Маълумки, мустақиллик туфайли мамлакатимизда газета ва журналлар сони кўпайди. Турли соҳа ва идораларнинг ўз наشرлариغا эга бўлиш фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айниқса, юртимизда ҳуқуқий матбуотнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш сари қўйилган жиддий қадам бўлди. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда адолат тамойилларини қарор топтиришда ҳуқуқий матбуотнинг ўрни беқарор. Ёш мустақил давлатимиз ҳуқуқий матбуотнинг шаклланиши тарихини «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетасининг хизматларисиз тасаввур этишимиз қийин.

Айтиш мумкинки, «Ҳуқуқ» газетаси томонидан қонунлар ижроси, давлат ва жамиятнинг демократлаштириш, ҳуқуқий жараёнларнинг бориши юзасидан бериб борилаётган мақолалар, шарҳлар, таҳлиллар бир ўқувчи сифатида менда ҳам қизиқиш уйғотди.

Истагим шуки, келгуси йилда ҳам тахририят ходимлари белгилаб олган йўналишларидан оғинамасдан биз мухлисларни қувонтираверсин.

Майрӯфжон МУХТОРОВ,  
Гулистон шаҳри

## ОЧЕРКЛАРНИ КЎПРОҚ ЧОП ЭТИШ КЕРАК

Ҳурматли «Ҳуқуқ» газетаси тахририяти! Мен 2 йилдан бери «Ҳуқуқ» газетасига обуна бўлман. 2002 йил учун ҳам обуна бўлдим. Газетанинг ҳар бир сонини диққат билан ўқиб бораман. Менга асосан газеталарингиздаги «Ҳуқуқий маслаҳатхона», «Прокуратура ёрдам берди» рубрикаларида эълон қилинаётган мақолалар ҳамда суд очерклари жуда ёқди. Бундай очеркларни кўпроқ чоп этиш керак. Зеро, улар одамларнинг кўзини очади, нима қилиш мумкин-у, нима мумкин эмаслигини кўрсатиб беради.

Искандар РАШИДОВ,  
ишчи, Оқтош шаҳри

## ФАОЛ

## МУАЛЛИФЛАРИМИЗ

1. Довуд МАҲДИЙ,  
Қашқадарё вилояти.
2. Исрол ЖАСИМОВ,  
Тошкент шаҳри.
3. Гулрух ЁРМАТОВА,  
Қашқадарё вилояти.
4. Малик ЭСОНОВ,  
Тошкент шаҳри.
5. Бахтиёр ҲАСАНОВ,  
Республика ҳарбий прокуратураси.
6. Муҳаббат ТЎРАБОВА,  
Хоразм вилояти.
7. Солижон ҲАСАНОВ,  
Тошкент Давлат юридик институти.
8. Уткир ХУДОЙҚУЛОВ,  
Сирдарё вилоят прокуратураси.
9. Саломат НИЁЗОВА,  
Тошкент Давлат юридик институти.
10. Гулнора ҲАМРОЕВА,  
Жиззах вилоят прокуратураси.
11. Норбек НИЁЗОВ,  
Тошкент шаҳри.
12. Нилуфар МЎМИНОВА,  
Тошкент шаҳри.
13. Забибулла АБДУКАРИМОВ,  
Гулистон Давлат университети.
14. Тожиали УМАРОВ,  
Тошкент вилояти.
15. Муқаллас ИСМОИЛОВА,  
Хоразм вилояти.
16. Тўлқин РАҲИМОВ,  
Тошкент шаҳри.

## 2001 йилда «ҲУҚУҚ»да ЧОП ЭТИЛГАН ЭНГ ЯХШИ МАТЕРИАЛЛАР

1. «ВАТАНДИР ДУНЁДА ТАНҲО ИЛИНЖИМ».  
Шарифа Салимова, 1-сон, 3 январь.
2. «КОКАИН ҚИРОЛЛАРИ».  
Шавкат Ёдгоров, 2-сон, 10 январь.
4. «СЕН ҲАҚИНГДА КЎЙЛАГЎМ, ВАТАН!».  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сафия Сафтарова билан суҳбат. Мансур Аловуддинов, 9-сон, 28 февраль.
5. «ОЙ КЕЛИНЛАР, КҮН КЕЛИНЧАКЛАР...».  
Хосият Бобмуродова, 10-сон, 7 март.
6. «БИЗНИНГ НАВРЎЗ».  
Ҳасан Нишонов, 11-сон, 21 март.
7. «ОЙ ЙИГЛАГАН ОҚШОМЛАР».  
Гулрух Ёрматова, 13-сон, 4 апрель.
8. «ШАКЛИЙ МОҲИЯТ ВА МАНТИҚИЙ ЙЎНАЛИШ».  
Равно Юсупова, 13-сон, 4 апрель.
8. «ҚЎШИҚНИНГ СЕҲРИ НИМАДА?»  
Жаҳонгир Шарофбоев, 18-сон, 2 май.
9. «ТАҚДИР ТОШИ».  
Гулрух Ёрматова, 21-сон, 23 май.
10. «ИХТИЛОФ».  
Х.Абдуваҳобов, Наврўза Лутфуллаева, 24-сон, 13 июнь.
11. «ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИ».  
А.Мустафоқулов, 20-июнь, 25-сон.
12. «ЖОЙ НОМЛАРИ — МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ».  
Аҳсам Ашуров, 26-сон, 27 июнь.
13. «ДАРАКЧИ» ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.  
Жаҳонгир Шарофбоев, 33-сон, 15 август.
14. «УЙ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ».  
О. Нурбоев, 38-сон, 19 сентябрь.
15. «ҚУЁШСИЗ ЯННАБ БУЛАДИМИ!».  
Зебунисо Нурибоева, 41-сон, 10 октябрь.
16. «СЕН КЎКДА УЧ, КЎККА КЎРК ТЎЛГАЙ».  
Ўзгучи Муҳаммад Исмоил билан суҳбат. Фахриддин Ёдгоров, 46-сон, 21 ноябрь.

## ТАРБИЯВИЙ СОАТЛАРДА ФОЙДАЛАНМАН

«Ҳуқуқ» газетасини анчадан буён ўқиб бораман. Ҳуқуқий наشرлар орасида ўзига ҳос ўрни бор. Ундаги суд очерклари, «Ҳуқуқий маслаҳатхона», «Хатлар саҳифаси» ўқувчини ўзига жалб қилади. Қасбим ўқитувчи бўлганлиги учун тарбиявий соатларда газеталардан кўп фойдаланман.

Шу ўринда тахририят ходимларига бир саволим бор эди. Нега кейинги пайтларда газетада санъаткорлар, ёзувчилар, олимлар билан суҳбатлар уюштириш камайиб кетди. Кишларда яшаймиш, машҳур кишиларнинг ҳаёти, дунёқараши биз учун қизиқарли. «Ҳуқуқ»нинг ҳар сониди улар билан «мулоқот»га киришини истаймиш.

Янги йилда тақлифимни ишбатга оларсизлар, деб умид қиламан.

Назира КАХРАМОНОВА,  
Қирғай туманидаги 37-ўрта мактаб ўқитувчиси

## 2001 йилда «ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» ЖУРНАЛИДА ЧОП ЭТИЛГАН ЭНГ ЯХШИ МАТЕРИАЛЛАР

1. «ЎЛИМ МАШИНАСИ».  
(Собик СССРнинг қатагон сиёсатига доир).  
З. Муқимов, 2001 йил 1-сон.
2. «КОНСТИТУЦИОННИЙ ЎРГАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ».  
Ф.Раҳимов, 2001 йил 2-сон.
3. «КАСБИЙ МУЛОҚОТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ТОМОНЛАРИ».  
С.Атоев, 2001 йил 2-сон.
4. «ЭКСТРАДИЦИЯ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ ФАОЛИЯТИ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА».  
Р.Сайфулло, 2001 йил 2-сон.
5. «ЖАЗО ВА ЖАВОБГАРЛИК».  
А.Абдумажидов, 2001 йил 4-сон.
6. «ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ АСОСИЙ МЕЗОН».  
Д.Исроилов, 2001 йил 4-сон.
7. «ИНСОН АЗИЗ».  
(Мустамлакачилик оқибатлари ва инсон ҳуқуқлари). Н.Каримов, 2001 йил 4-сон.
8. «ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ ВА ПАХТА ЖИНОЯТЛАРИ».  
З. Муқимов, 2001 йил 5-6-сон.
9. «КАЛИФОРНИЯ» УЙИНИ». (Суд очерки). Ж.Шарофбоев, 2001 йил 5-6-сон.
10. «ОЗОДЛИКДАН МАҲРҲУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИГА МУКОБИЛЛАР: РЕАЛИК ВА ИСТИҚБОЛ».  
А.Давлатов, А.Шомансуров, 2001 йил 7-сон.
11. «ҚОНУН ТАРЖИМАШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ МУАММОЛАРИ».  
Ш.Кучимов, 2001 йил 7-сон.
12. «СЕНГА ЭРИШГАН БАҲТЛИДИР».  
Н.Раҳмонов, 2001 йил 7-сон.
13. «ОЛИЙ МАЖЛИС — ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДАГИ ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ОРГАН».  
Э.Халилов, 2001 йил 8-сон.
14. «ЯРАТИШ ЗАМОНИ».  
Султонмурод Олим, 2001 йил 8-сон.
15. «ДАДИЛ ҚАДАМЛАР».  
И.Жасимов, (Сессиядан кейинги ўйлар), 2001 йил 10-сон.
16. «ҚОСИМОВЧИЛИК» ЁХУД ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҚАТАГОН ҚИЛИНИШИ ХУСУСИДА».  
Н.Норжигитова, 2001 йил 10-сон.

## ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСА

Мен мутахассислигим тарихчи бўлгани билан бошқа даврий наشرлар қаторида «Ҳуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журналининг ҳар бир сонини алоҳида эътибор билан ўқиб бораман. Нафақат ўқиб бораман, имкон қадар уларда чоп этилаётган мақолаларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламан. Айрим мулоҳазаларим газетада чоп этилди.

Энди ушбу наشر хусусида яна бир фикр: тахририят, менимча, ўз олдига қўйган аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш вазифасини маълум маънода уddалайпти.

Лекин бир мухлис сифатида эътирозларим ҳам йўқ эмас. Мисол учун, газета ва журнални бир марта варақлаган кишида, юрист мутахассислар боп мақолалар катта ўрин тутаядгандек таассурот қолдиради.

Тўғри, ҳуқуқий наشرларнинг асосий ўқувчилари юристлар ёки ушбу соҳага қизиқувчилар бўлиши табиий. Лекин кенг ўқувчилар жамоасини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак, менимча.

Шундай деганим билан, ўзимнинг ҳам ҳуқуқий билимларимни «тархаш» учун айнан ушбу наشرларни ўқиб бораётганимни эътироф этишим керак.

Янги йилда тахририят ходимларига ижодий самарадорлик тилаб,

Файзулло  
ЭГАМНАЗАРОВ,  
аспирант





## ● СЕССИЯДАН КЕЙИНГИ ҲАВА

## ● ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

# СОБИТҚАДАМЛИК ЗАРУР

«Инсоният тарихи — урушлар тарихи», деган эди гарб тарихчиларидан бири. Инсоният шайиға нисбатан билдирган бу ҳуло-сия учун гарблик олими анча-мунча қоралаш мумкин. Аммо бир тўхтамга келишга шайишмайлик. Аввал инсоният ўтимиш, тарих мулкига айланган даврларни кўз олдимиздан ўтказишга ҳаракат қилайлик. Ахир, қоридидаги сўзларининг бутун маъсулятини гардинга тушишини ҳис этган тарихчи бе-корга бундай ҳулосага келмагандир.

Биз инсониятнинг шаклланиш босқичи сифатида билдирган ибтидоий тузум даври-да бошланган ўзаро урушлар жаҳон уруш-лари номини олгунча давом этди. Ер кўра-си ана шундай қирғин-баротлардан беш минг-тадан ортиғини бошдан кечирди. Бу уруш-лар миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритди. Инсоният урушлардан нарчади. Тинчлик учун курашадиган, турли халқлар, турли давлатларни мурасога келтиришга ҳизмат қилувчи қатор халқро таъшилотлар тузилди. Лекин инсоният тинчлик-тотулик-каинтилни сари уруш хавфи ҳам соя қаби унга ҳамроҳ бўлди.

Мана, бугун ҳам уруш кетаяпти. Маълум бир давлат ёки халқлар ўртасида эмас, балки адолат ва қабохат ўртасидаги уруш. Ўзганини юртига бостириб кириш, бойлик ортириш ёки зуравонлик ортидан бошлан-ган урушни ҳеч ким ҳеч қачон оқламаган. Лекин қўшни Африқонистон ҳудудида жойла-шиб олган халқро террорчиларни таг-то-мири билан қўриб ташлаш мақсадида бошланган ҳарбий ҳаракатларни бугунги кунда ер юзидидаги барча давлатлар қўлаб-қувватламоқда. Ёрдам қўлини чўзмоқда. Нера?

Табиийки, бу саволга жавоб беришда, ўз-ўзидан шу йилнинг 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида содир этилган йирик террорчилик ҳаракатлари тилга оли-нади. Бу воқеалар эса инсониятнинг қўзғи-ни оқди. Хушёрликка, бирдамликка ундади. Терроризм нақадар ёвуз кучга айланиб ул-гурганлиги англанди. 11 сентябрь воқеа-ларига қадар эса қўлчилик сийёсатдонлар,

давлат раҳбарлари Президентимиз айтга-нидек «... бу алағга бугун бизлардан узоқ масофада кимнингдир уйини қўйдиряпти, мени эса четлаб ўтди, деган хом ҳаёлда юргани сир эмас», эди.

Аслида юртбошимиз айтганидек, со-лом фикрловчи одамнинг бундай хом ҳаёл-лар билан ўзини юпатиши ҳам инсофдан эмас. Негаки, ёвуз кучларнинг қилимишлари тўфайли беайб бир халқ жаҳон ҳамжамияти-дан узилиб қолди, тараққийётдан, ривожла-нишдан ортда қолиб кетди. Уй-жойлари харобаларга айланди. Ҳолбуки бу халқ ҳам бошқа давлатларнинг фуқаролари қаби тинч-тотув яшашига, қўшга, ишлашга ҳақли эди. Ўзбекистон биринилардан бўлиб жаҳон ҳам-жамиятига ўзининг ана шундай қарашлари-ни билдирди. Бугун эса давлатимизнинг бундай позициясини қўлаб-қувватловчи мамлакатлар сонини ортиб бормоқда.

Яқинда ўз ишини аяқлаган Иккинчи қақирқиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида ҳам Пре-зидентимиз Ислам Каримов «Биз учун халқ-қимиз, ватанимиз манфаатидан улуг мақсад йўқ» деб номланган нутқиди халқро терро-ризмга қарши кураш борасида Ўзбекистон-нинг тутган позициясига батафсил тўхталиб ўтди. Парламентнинг ўшбу сессиясида Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига мурожаа-ти қабул қилинди. Мазкур мурожаат матбу-отда эълон қилинди. Мурожаат билан тани-шиб чиққан киши унда мамлакатимиз халқи-нинг хоҳиш-иродаси, тинч ва осуда кела-жакка бўлган қарашлари яққол ифодалан-ганлигининг гувоҳи бўлади. Мурожаат эса унда айтиб ўтилганидек, халқро терро-ризмга қарши курашда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов олиб бораётган изчил сий-сатини ҳар томонлама қўлаб-қувватлашга ва халқимизни бу курашда бирдамликка, собитқадам бўлишга, оғоҳлиқни қўллаб бер-масликка қақиряпти шубҳасиздир.

Одиль МАТХОЛИҚОВ,  
Сергели тумани прокурори

# ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Мустақиллик тўфайли биз дунёни танидик. Бошқа халқларнинг ҳаёти, маданияти, тарихи, давлат бошқаруви, қўнун-қондилари билан танишиш имкониятига эга бўлди. Айни бир пайтда демократия, инсон ҳуқуқлари, фуқаролар жамяти деган иборалар ҳам қўлғимизга тез-тез чалинадиган бўлди.

Ўзбекистон ҳам истиқлолни қўлга киритган, жаҳон ҳамжамиятига ҳамоханг равишда инсон ҳуқуқлари биринчи ўринга қўйилган демократия йўлини танлади. Жамятини эркинлаштириш, ислохотлар босқичма-босқич амалга оширишга бошланди. Бу борада сузашликка йўл қўйилмоқда, деб бошқалар бизни қанчалар айблашмади, дейсиз? Давр эса қим ҳақ, қим ҳоҳақ эканлигини, давлатимиз раҳбарияти нақадар тўғри йўлни танлаган-лигини кўрсатиб берди.

Мамлакатимизда бошланган ислохотлар жараёни айни дамда ҳам изчиллик билан давом этмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилларида давлатимиз қудратини, халқнинг фаровонлигини ошириш, бошқаларга қарам бўлиб қилишининг олдини олиш мақсадида иқтисодий ислохотларга асосий эътибор қаратилган бўлса, кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар устувор аҳамият касб этди. «Судлар тўғрисида-ги», «Прокуратура тўғрисида-ги» ҳамда «Адвокатлик фаолияти тўғрисида-ги» бевосита инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга дахлдор бўлган қўнунларнинг янги тақрирда қабул қилиниши, уларга қўлаб ўзгартирилариш фикрининг далилидир. Айниқса, иккинчи қақирқиз Ўзбекистон Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида қабул қилинган «Жиний ҳазоларнинг либерал-лаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги кодексида ўзгартирилариш ва қўшим-чалар киритиш ҳақида-ги Қўнун» судлар томонидан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини янада оширди.

Илгари ҳам қўнунларимизнинг инсонпарварлик, адолат таламилари ҳақида гапирар-дик. Лекин, очини бу сўзларни оддий фуқароларнинг оғзидан эшитиш даргумон эди. Сабаби, илгари амалда бўлган қўнунларга кўра иқтисодий ҳаффи унча катта бўлмаган жиноятлар учун ҳам айбланувчилар бир неча йил муддатларга озоқлиқдан маҳрум этиларди. Шартли жазо тайинлаш, гумондорга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш имкониятлари бирчунча чекланган эди. Юридаги қўнун қабул қилиниши муносабати билан бу қаби ҳолатларга чек қўйилди.

Хуллас, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида янги даврни бошлаб берган ўшбу қўнун ҳусусида қанча илқ гаплари айтсақ-да, қам. Олқишларга кенг ўрин беришдан унинг иқросини таъминлаш яши. Бунинг учун эса қўнуннинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, уни амалиётда тўғри қўллаш билиш зарур.

Худоёр ЭГАМБЕРДИЕВ,  
Қосон тумани прокурори

Баҳмал. Бу сўзларни эшитганим-гизда сервикор Ойқор тоғлари, шаффоф булоқлар ва шўх сойларга туташ лолақизғалдоққа бурканган кенгликлар кўз олдингизга келади. Сиз агар катта Ўзбек тракти йўлидан ўтган бўлсангиз олтиндай товланаётган нашватилар, қизлар ёноғидай қип-қизил олмалар сизни бефарқ қолдирмайди. Бир зум бўлса-да, автомашинангиздан тушиб қўли қадоқ деҳқон-боғбон-ларнинг сўхбатини олгингиз кела-ди.

Баҳмал тумани қадим тарихга эга бўлган жой. Бу диёрга улуг бобола-римиз Амир Темур ва Бобурнинг қўтлуг қадамлари теккан. Баҳмал-ликлар бугун қандай ўй-ташвишлар билан яшайпти? Эртадан улар нималарни кутаяпти? Туманда ҳуқуқ-тартибот ишлари қандай йўлга қўйилган? Баҳмал тумани прокурори Фурқат ТУРСУНОВ билан ана шулар ҳақида сўхбатлашдик.

# БАХМАЛ БОҒЛАРИДА БАҲОР ШИВИРЛАР

— Фурқат ака, бир оз ноаъна-вий бўлса-да, сўхбатимизни ту-ман тарихидан бошлашак. Бах-малнинг тарихи 40000 йиллар олдинги Бронза асрда бораб та-қалади, деб эшитганмиз.

— Марҳум академик Я.Фулмо-ов олиб борган археологик изланиш-лар натижасига кўра, Баҳмал тумани ҳудудида бронза асрдаги одам-лар Молгузар тизма тоғлари этак-ларида, дарё ёқларида оддий ер-тўла ва чайлалар қуриб яшаган экан.

Илк ёзма ёдгорлик «Авесто»да Вадиған кишлоғи тилга олинган. Зардуштиликка оид энг муқаммал даҳма — «Сукунат тепалиги» Сойкишлоқ яқинда топилагани Баҳмал тумани тарихидида маълум даврларга оидлиқни киритади.

Туркистон тизмаси ва Молгузар тоғи ораллигида жойлашган ўзлаб тепалиқларнинг ҳар бири Баҳмал-даги тарихий археологик ёдгорлик-лар ҳисобланади. «Қулф қалъа», «Ойқор» қўқиси, Кампирдевор қалъа-си харобалари, Сарюзи, Новка, Ўсман қаби тарихий манзилгоҳлар не-не сурунли даврларнинг тилсиз гувоҳларидир. Тарихий манбалар-нинг шохидлик беришича, эрамиз-дан аввалги 330 йилларда Алек-сандр Македонский олиб борган босқинчилик ҳаракатлари Баҳмал ҳудудида фожеали кенган.

Самарқанд ҳаёли билан ёниб от сурган темирйўз шахзода Бобур Мирзо Баҳмал туманида дардига даво топилагани «Бобурунома»да ёзиб кетган. Сангзор қўргони-ҳозирги Сарюзи қўргони, Васмант эса Ўсман шахарчасидир. Мен кел-тирган бу фактлар туманимиз та-рихига оид муқтасар маълумот. Ту-манимизнинг гўзал табиятига таъ-риб берганда Эркин Воҳидовдан ўтиш қийин.

Қўқўнар тоғларинг, гўзал  
боғларинг,  
Муздак булоқларинг қалбим  
тортиди.  
Баҳмалим, бағринида нафас  
олган чоғ,  
Умр узунлиги яна ортади...

— Фурқат ака, ту-манда қўнунлар ижро-си қандай таъминла-наляпти?

— Туманимиз киш-лок ҳўжалиғига ихтисос-лашган бўлиб, ҳудуди-мизда 70 дан ортқ ҳўқуқий ва 300 дан зиёд жисмоний шахслар тад-биркорлик билан шу-ғулланиб келмоқда. Аммо, уларнинг ҳамма ишларини кўнгилдаги-дек деб бўлмайди. Шу йилнинг сентябрь ойи-да Республика Бош про-куратураси ҳаётининг қарори асосида туман-даги мавжуд фермер ҳўжалиқларининг молия-вий аҳволи ўрганилиб чиқилганда, 16 нафар фермернинг ҳўқуқлари поймол қилинганлиги аниқланди. Улар туман дон маҳсулотлари ҳис-садорлик жамяти би-

рини чуқурроқ ҳис этишди. Худога минг қатла шўқур, туманимизнинг қайси бир қишлоғига борманг тўйлар устидан қиқасиз. Бу юртбо-шимиз Ислам Каримов олиб бо-раётган одил сийёсатнинг мева-си деб биламан. Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига «Терроризмга қарши курашда бирдам бўлалик» номли мурожаати ҳар бир виждони уйғоқ инсонни бефарқ қолдирмай-ди. Терроризм умуминсоният душ-мани эканлигини ҳар биримиз фар-зандларимиз қалбига сингдириши-ми керак. Ана шундагина тинч-осуда ҳаётимизга ҳеч ким раҳна сола олмайд.

— Олий Мажлисининг иккинчи қақирқиз олтинчи ва еттинчи сес-сиялари ҳўқуқий тизимимизда та-рихий бурилиш ясади. Шундай эмас-ми?

— Собик Иттифок давридаги қўнунлар ҳақида ўйлаганимда, Ци-цероннинг «Қўнуннинг ўта қаттиққў-лиги — ўта адолатсизликдир» деган сўзлари ёдимга тушди. Шўқулар бўлсинки, мустақилликдан сўнг

қўнунларимизни қабул қилишда аза-лий удумларимиз инобатга олина-япти. Инсоннинг шайи ва қадрини биринчи ўринга қўйилмоқда.

«Жиний ҳазоларнинг либерал-лаштирилиши муносабати билан Ўзбе-кистон Республикаси Жиноят, Жи-ноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавабгарлик тўғрисида-ги кодексида ўзгартирилариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида-ги Қў-нун» халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бироқ ҳазоларнинг либе-раллаштирилиши жиноятчилар учун имконият кенгайтирилди, дегани эмас. Буни фуқароларимизга ях-шлаб тушунириб беришимиз ке-рак. Туманимиздаги 10 тадан ортқ кишлоқ фуқаролар йиғинида 100 мингга яқин киши яшайди. Албатта уларнинг ҳўқуқий жиҳатдан савод-лиғи туманимиз ҳар бир соҳадаги муваффақиятида катта ўрин тутайди. Ўзингизга маълумки, ривожланган демократик мамлакатларда давлат-нинг салохияти ўша юрда яшаёт-ган фуқароларнинг қай даражада саводхонлиғи билан белгиланади.

Олий Мажлисимизнинг сўнгги сессиясида ҳам қўлаб қўнунлар қабул қилинди. Бизнинг вазиғимиз эса ана шу инсонпарвар қўнунлари-мизнинг моҳиятини халқнинг қал-бига сингдиришдир. Бунинг учун юзма-юз мулоқотларга эътиборни қўчайтиришимиз керак.

Демократик мамлакатдагина ин-сон қадрини юксакликка кўтарилади. Буни ҳар бир юртдошимиз ўз қал-бига ҳў қилиши лозим. Юртбоши-миз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, «шу азиз ватан барча-мизники», унинг келажаги учун ҳў-рашмоғимиз даркор. Юрта муно-сиб фарзанд бўлиш учун эса ҳар биримиз мамлакатнинг тинчлиги ва равангаи учун курашимиз, лозим бўлганда, жонимизни фидо қилиш-га тайёр бўлишимиз керак. Ана шундагина биз орзу қилган жа-мийада яшаймиз.

Сўхбатдош:  
ЗАЙНИДДИН





НИГОХ

## ХАЛҚАРО ХУҚУҚДА ЖАВОБГАРЛИК МУАММОСИ

Халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро ҳуқуқий жавобгарлиги институти кўнундан бунён маълум. Лекин шу билан бирга ўтмишда халқаро ҳуқуқ фани кўнунча давлатларнинг жавобгарлигини белгилашда чет элликлар шахсига ва мулкига етказилган зарарни ундириш мажбурияти билангина чекланиб қолган. Чўки ХХ асрга қадар халқаро ҳуқуқда агрессия ва уруш учун жавобгарлик тушунчаси ҳали мавжуд эмас эди.

БМТнинг ташкил топиши, мустақиллашчилик барҳам берилиши ва ривожланган давлатлар сонининг ортиб бориши халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик институтида сифат ўзгаришларига олиб келди. Агрессия, геноцид, ирқчилик, ирқий қамситиш учун, мустақил мамлакатлар ва халқларга мустақиллик беришдан бош тортганлик ва мустақиллашчилик режимини зўрлик билан ўтказганлик учун жавобгарлик биринчи ўринга қўйилди. Уруш қўнунлари ва удувларини бузганлик учун ҳам жиддийроқ жавобгарлик чоралари қўриш вақти келди. «Уруш ҳуқуқи» ва «ғолиб ҳуқуқи» тушунчалари ўтмишда қўлиб кетди, ҳуқуқбузар давлатларга нисбатан қўланиладиган мажбурият чоралари хусусиятлари ҳам ўзгарди, халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиқнинг янги субъектлари, халқаро ташкилотлар пайдо бўлди.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқда жавобгарлик тушунчасига бир қанча таърифлар берилган. Гарчанд, бу таърифлар ўртасида назарий ва амалий жиҳатдан айтирли фарқларни аниқлаб бўлмасда-да, лекин барбери муаммога ендайда тафовулар мавжудлигича қолмоқда.

Масалан, ҳуқуқшунос олим В. Кузнецов уни қўйидагича таърифлайди: «Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик — бу ҳуқуқни бузган давлатнинг содир этилган ҳуқуқбузарлик оқибатида бошқа бир халқаро ҳуқуқ субъектига етказилган зарар оқибатларини бартараф этиш юзасидан ҳуқуқий мажбуриятидир». Рус ҳуқуқшуноси олими Ю.Рибакон бу масалага бошқароқ ендашди: «Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик — бу халқаро ҳуқуқ нормаларини ва ўз ҳуқуқий мажбуриятларини бузган халқаро ҳуқуқ объекти учун келиб чиқадиган юридик оқибатдир. Бу ҳолат айни вақтда ушбу нормаларга амал қилиш ва етказилган зарарни ундиришнинг ҳуқуқий воситаларидан бири ҳамдир» — дейди у.

Халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги масалалари БМТ Низомида, геноцид, ирқий қамситишнинг таъқиқловчи конвенцияларда, уруш қўнунларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1949 йилги Женева конвенциясида ва унга илова қилинган 1977 йилги протоколларда, БМТнинг 1982 йилда қабул қилинган денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги конвенциясида ва бошқа ҳужжатларда мустақамлаб қўйилган.

Жисмоний шахсларнинг тинчликка, инсониятга қарши жиноятлари ҳамда ҳарбий жиноятлари, шунингдек халқаро жиноятлар учун жиноий жавобгарлиги ҳам халқаро миқёсда эътироф этилди ва юридик жиҳатдан мустақамланди.

Халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги вужудга келишига у томонидан халқаро ҳуқуқбузарлик содир этилиши асос бўлиб ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқбузарлик — халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро ҳуқуқ нормаларини ва ўз халқаро мажбуриятларини бузувчи, бошқа халқаро ҳуқуқ субъектига ёки умуман бутун халқаро ҳамжамиятга моддий ёхуд номоддий ҳаракатдаги зарар етказувчи ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидир. Бундай ҳолатда жавобгарлик одатда фақат субъектнинг ҳуқуққа қарши қилинган ҳатти-ҳаракати ва етказилган зарар ўртасида сабабий боғлиқлик мавжуд бўлгандагина вужудга келади.

Халқаро ҳуқуқда барча ҳуқуқбузарликларни ҳавфлилик даражасига, миқёси ва келтириб чиқарган оқибатларига қараб учта қатта гуруҳга ажратиш мумкин. Булар қуйидагилар:

- а) халқаро жиноятлар;
- б) халқаро ҳаракатдаги жиноий қўлимишлар;
- в) бошқа халқаро ҳуқуқбузарликлар (халқаро деликтлар).

Халқаро жиноятлар — давлат ва элларнинг ҳаётий муҳим манфаатларига таъвоуз қилувчи, халқаро ҳуқуқ асосларига путур етказувчи, тинчлик ва ҳавфсизликка таҳдид солувчи халқаро ҳуқуқбузарлиқнинг ўта ҳавфли шаклидир.

БМТнинг халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан тайёрланган давлатларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги моддалар лойиҳасида таъкидланишича, ҳамжамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш учун асосий негиз ҳисобланувчи халқаро мажбуриятларнинг давлат томонидан бузилиши натижасида юзга келувчи халқаро-ҳуқуқий ҳаракатга, умуман, халқаро ҳамжамият олдида жиноят содир этиш деб қаралади ҳамда у халқаро жиноят асосини ташкил этади. Бундай халқаро жиноятлар қўлиб келиши, геноцид, ирқчилик, мустақиллашчилик, ҳарбий жиноятлар, инсониятга қарши жиноятлар ва бошқалар кирди. Булар амалда бутун халқаро ҳамжамиятга дахлдор бўлганлиги боис, БМТ Низомига мувофиқ давлатлар уларнинг олдини олиш юзасидан жамоатчилик чораларини қўришга ҳақлиқдирлар.

А. МАННОНОВ,  
тадқиқотчи

# ДОРИДОМОН КУНЛАР ҚАДРИ

«ХУҚУҚ» МЕҲМОНИ

## Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Абдурашид МАННОНОВ билан суҳбат

— Абдурашид ака, маълумки мустақиллигимиз эълон қилинганига 10 йилдан ошмоқда. Шу ўн йил ичида эришилган ютуқларнинг барчаси ана шу муқаддас неъмат туйғайи десак янглишмаган бўламиз. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг мустақил прокуратураси ташкил топганига ҳам 10 йил тўлади. Мен бежиз мустақил сўзига уруқ бермадим. Негакки, собиқ тузум даврида нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки, бутун бир миллат тақдирини ҳам Москвадан туриб бошқаришар эди. Сўбатимизни бевосита ана шу даврда, айнан шу соҳада меҳнат қилган киши сифатидаги хотираларингиз билан ўртоқлашишдан бошласак.

— Тошкент давлат юридик институтини битириб, бир йил армия сафида хизмат қилиб қайтдим. 1973 йилдан бери прокуратура идораларида ишлаб келаяпман. Аввал бир неча йил шаҳар прокуратурасида, сўнг Республика прокуратураси марказий маҳкамасида терговчи лавозимда ишладим. 1987 йили Сирдарё вилоят прокурори этиб тайин-

қарши қўрашиши керак бўларди. Одамлар мум тийлаб яшашга мажбур эдилар, боқиб-бағамлик, бефарқлик, масъулиятсизлик ўша замонлардан мерос. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Бошини сал кўтарсанг, тамом, кунда тайёр эди.

Ўша йиллари барча ҳужжатлар рус тилида юритиларди. Умуман ишимизнинг 80-90 фоизи рус тилида олиб бориларди. Ваҳоланки, ўша сўроқ берувчи, гумонланувчи, асосан ўзимизнинг миллатдошларимиз эди. Иш юритиш шунга асосланардики, фақат рус тилини билган ходимларнинг ошиғи олчи эди. Мен бунда лавозимга кўтарилишни назарда тутмоқдаман. Билими яхши, тажрибали мутахассис тилни яхши билмас, кўзга кўринмас, назарга тушмас эди.

— Кейинги ўн йил ичида прокуратура

ташаббускор бўлиши лозим. Жабрдийда милиция, прокуратура, судга мурожаат қилмас, табиий, ноҳақлик давом этаверади.

«Прокуратура — жазоловчи орган» деган эски тушунчага келсак, ҳа, бу фаолиятимизнинг мингдан бир қирраси, холос. Демокчманки, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Фаолиятимизнинг умумий йўналиши эса янги тахрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилган.

— Бугунги авлод қатагон қўрбонлари, «пахта иши», «ўзбеклар иши» ҳақидаги маълумотларни адабиётлар, матбуот орқали билади. Юртимизга қўйлаб офат олиб келган, минглаб оилаларни қақшатган Гўлян, Иванов бошчилигидаги гуруҳнинг машғум қилмишлари ўша давр кишиларига кўпроқ аён. Сиз ана шу воқеаларнинг гувоҳи сифатида нималар дея оласиз?

— Аввало шунча айтиш керакки, ундай кўнлар халқимизнинг бошига қайта тушмасин. Бизнинг авлод ўтган асрнинг 37-йилидаги ва элгилгинчи йили бошидаги қатагонлар ҳақида китоблардан ўқиган. Лекин «пахта иши» кампаняси туйғайли қатагоннинг нима эканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Худога шўкр, мустақил давлатимиз ўз фуқароларини ҳар қандай ташқи таъвоулардан ҳимоя қилишга қодир. Шунинг учун мустақил ватанга жоним-жаҳоним фидо.

— Сўбатимиз аввалида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ташкил топганига 10 йил тўлмоқда. Шу муносабат билан ҳамкасбларингизга айтидиган илиқ сўзларингиз бўлса керак. Қолаверса, бугун прокуратура идораларида энди иш бошлаган ёш кадрларга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

— Байрам арафасида прокуратура ходимлари, ҳамкасбларимга, шогирдларим бор ўзимга яраша, барча-барчасига бахт-саодат, ишларида муваффақиятлар тилайман. Адолат ишдаги шiori бўлсин. Қалбида инсонийлик туйғуси мужассам, инсон учун хизмат қилман, деган прокуратура ходими ҳеч қачон адашмайди. Иккинчидан, иймонли, инсофли бўлиш керак. Ҳар бир босаётган қадамини етти ўлчаб, бир кесиши лозим. Чўки бизнинг фаолиятимиз шунча таъвоз қилади. Ҳар бир инсоннинг ортида эса унинг оиласи, фарзандлари, шаъни ва қадр-қиммати ётади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб меҳнат қилинса, бу ҳар бир прокуратура ходимига обрў олиб келади.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ суҳбатлашди



А. Маннонов (ўндан биринчи) бир гуруҳ ҳамкасблари дierasида.

ландим. Ўша йили икки вилоят қўшилиши муносабати билан Тошкент вилояти прокуратура лавозиминида фаолиятимни давом эттирдим.

Қарийб тўққиз йил ана шу лавозимда ишлаганимдан сўнг, республика прокуратурасининг воёга етмаганлар ҳақидаги қўнунлар ижросини назорат қилиш бўлими бошлиғи лавозимига ўтказилдим.

Ҳозирги кунда солиқ ва божхона идораларида суриштирувчи назорат қилиш бўлиминини бошқариб келаяпман.

Нима учун буларга батафсил тўхталмоқдаман. Демокчманки, агарда прокуратура идораларидаги фаолиятимни икки босқичга бўладиган бўлсак, биринчи босқичи собиқ Иттифок даврига тўғри келар экан.

Очилиғини айтсам, биз ишлаган даврлар жуда ғалати эди: прокурор дегани партиянинг қўлидаги бир қўғирчоқ эди. Гоҳида советлар мамлакатида бўлиши мумкин эмас, деган ақида билан оғир жиноятлар рад қилинса, баъзида, мана шу жиноят тури билан фалон киши жазога тортилсин, деган буйруқ келарди. Қалбида гурури бор прокурор ҳам жиноятчиларга қарши, ҳам қорчалонларга

тизиминида жуда қатта ўзгаришлар содир бўлди. Улардан энг асосийси прокуратура идораларининг халққа яқинлашиши, прокуратура жазоловчи орган эмас деган шior остида биравлашиши муҳим аҳамият касб этади. Бироқ ис- таймизми йўқми, ҳали фуқароларимиз орасида эскича фикрлайдиган, собиқ тузум қолипидан чиқа олмаган кишилар топилмади. Айтинг-чи, прокуратура шахс манфаатининг ҳимоячиси деган қарашни шакллантириш учун яна нималарга кўпроқ эътибор бериш зарур?

— Бу фақат бизгагина боғлиқ иш эмас. Одамлар қўнун доирасида ишлашни ва яшашни ўрганишлари керак. Ишчи-хизматчи бўладими, дехқонми, раҳбарми — фуқароларда ҳар бир ҳатти-ҳаракатнинг қўнунийлигини назорат қилувчи ички сезги шаклланиши зарур. «Бўқўнунга риоя қилса бўлади, бунисига йўқ» деган қараш барча тушунмовчили- гуворагарчилик, қўнунгирчиликларнинг манбаи.

Иккинчидан, киши бирон ноҳақликка учраса, уни бартараф этиш учун аввало ўзи



# ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ

«Санъат ахлининг нафаси бир ўтдирик, каттиқ кўнгилни юмшатур ва қуруқ кўзни ёшлатур». Ҳазрат Алишер Навоийнинг бу ҳикмати исботига ҳаётда кўп бора дуч келганмиз. Аммо шуни билиш лозимки, кишини ҳайратга солувчи чинакам натижалар ўз-ўзидан вужудга келавермайди. Билим ва маҳоратдан ташқари бунинг учун мустаҳкам ирода, меҳнат ва изланиш ҳам талаб этилади. Бугунги ҳикоямиз ёш хонанда Сухроб Кенжаевнинг ижод йўли ҳақида боради.

Кечки дам олиш соатлари эди. «Ахборот» кўрсатуви яқинлашаётганлиги боис, фарзандларимдан телевизор қулоғини биринчи дастурга бурашларини сўрадим.

— Жон дада, шу дастурни бироз кўрайлик.

— Ахир қарасангиз-чи, Сухроб Кенжаев куйлапти.

Ҳар қалай, кўтчиликнинг хоҳиши билан ҳисоблашиб лозим бўлади. Улар билан бирга телевизорга қараб ўтирдим. Нуфузли сахналардан бирида бир болакай қўшиқ куйламоқда. Аввал эътибор қилмай ўтирган эканман. Сўзлар раво, мусликий талқин жилосида яхлит уйғунлик касб этиб, жон қулоғинга сингиб кетади. Ёш бўлишига қарамайдан, нигоҳида томошабин диққатини ром этиб олувчи қандайдир ҳислат бор эди. Майин ва ёқимли овози завқ билан бирга юрагинизга ёниқ туйғулар улашаётганини ҳис этасиз. Бетақдор овоз соҳиби бўлган Сухробжон билан учрашиш ниятида Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Фарход» маданият саройи томон йўл олдим. Барча қулайликларга эга бўлган шинам маскан томоша зали фойесида сахна кийимидоги қизлар рақс ўрганишмоқда. Куйи қаваддаги бадий тўғараклар хоналаридан турли соз садолари ва овоз жўрлаш машқлари қулоққа чалинади.

Бизни Сухробжоннинг отаси Мухиддин ака Кенжаев ўз иш жойи бўлган «директор ўринбосари» хонасида кутиб олди. Ҳар қалай, биринчи суҳбатдаёқ кўпни кўрган, ижодда суяги қотган одам эканлиги маълум бўлди. Сухробжон тўғарак машғулотида кайтгунга қадар бир пиёла чай устида гаплашиб ўтирдик. Оила сардорининг маълум қилишича, у отадан етти ёшида етим қолади. Олти фарзанд ташвиши


гангитиб қўйган Тўла ая уни Карманадаги мактаб-интернат тарбиясига беришга мажбур бўлади. Мухиддинжон учун билим масканида ташкил этилган бадий ҳаваскорлик тўғараги бирдан-бир овунчоққа айланади.

Иш столи устида турган альбомлардан бирини очиб варақлар эканман, бир суратга тикилиб қолдим.

— Танияпсизми? Бу киши ҳурматли Шароф Рашидов, микрофон тутган бекасам тўни йигитча — мен. Шаҳримизга ташриф буюрган кунларида у кишининг «Оламда гуллар яшар» шеърини қўшиқ қилиб куйлаганман. Санъатга чин садоқатим у кишининг ўша илҳомбахш далда сўзларидан бошланган, дессам хато қилмайман.

Мезбон билан суҳбатимиз бизга қарийб 30-40 йиллик ўтмишдан сўзлаётгандек бўларди. Куйлаш хоҳиши ёш Мухиддинжонни «Мархабо талантлар», «Ўзбекистон куйлагай», «Санъат саодатимдир» сингари кўрик-танловларда тоблантириб борди. Лекин етимлик соя солиб, унинг азим пойтахтда, таниқли санъаткорлар каторида ижод қилиш орзуси ушалмасдан қолди. Шундан кейин у бор куч ва истеъдодини бирин-кетин ташкил этила бошлаган «Лайли», «Юлдуз», «Ширин», «Гули» сингари халқ бадий жамоалари раёнақига бағишлади. Натижа эса кўзлаганидан ёмон эмас эди. Хизмати манзур бўлиб, эл эътиборига туша бошлади. Энг асосийси, тақдир унга ҳаётда ҳам, ижодда ҳам елкадош бўлган Розахондек ёрни дуч қилди. Шу кундан

бошлаб барча баҳс ва мулоҳазалар умр мазмунига айланган сахна сурури ҳақида борарди. Шу туйғай-ли ҳам бу оилада камол топаётган болалар жуда ёшлигидан санъат ва ижодиётга кўнгил қўйишди. Ҳозирда катта фарзандлари Жасур композитор, Жўрабек ва Элбеклар бўлса Навоий педагогика институти мусиқа факультетида таҳсил



олишади. Сухробжоннинг ўзи эса бир олам. Шаҳардаги Абу Райхон Беруний номидаги ўрта мактабнинг 8-синфидоги ўқиш билан бирга Глинко номи мусиқа мактабининг

скрипка синфида ҳам таҳсил олади.

Хонага ҳалигина фойеда рақс ўргатаётган балетмейстер аёл жўрнал кўтарганича кириб келди.

— Бу киши ютукларимизга тенг шерик Роза опангиз, — дея таништирди Мухиддин ака на ҳазил, на чин оҳангда.

Шундан кейинги суҳбатимиз ўз-ўзидан Сухробжоннинг тарбиясига боғланиб кетди. Айтишларича, у уч ёшидаёқ катта сахнага чиқа бошлаган экан.

Республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги арафасида Тошкентда бўлиб ўтган оилавий ансамбллар кўрик-танловидаги муваффақиятда Сухробжоннинг ҳиссаси катта бўлган эди. Шундан кейин Сухробжон шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказилган кўрик-танловларда танила борди. Буш қолди дегунча мусиқа мактабига югуради. Устозларидан санъат сирларини пухта ўрганишга ҳаракат қилади. Тинимсиз машқлар самараси ўларок, ёш хонанда ўзбек тилидаги қўшиқлардан ташқари украинча, инглизча

ва италянча қўшиқларни ҳам куйлашни ўрганиб олди. Сухроб Кенжаев 1999 йилда вилоятлараро ўтказилган «Қизилқум садолари» ҳамда «Ўзбекистон — Ватаним мени!» кўрик-танловларида юқори ўринларни қўлга киритди. Айнан ўша йили Беларусда ўтказилган «Славян бозори» фестивалида, Украинада бўлиб ўтган «Қора денгиз бўлида» фестивалида муваффақиятли иштирок этиб қайтди. 2000 йилда Италияда ўтказилган «Дўстлик» халқаро фестивали, 2001 йилда Қозғистонда бўлиб ўтган «Яхши дўстлар» халқаро фестивалларида

ўзбек санъатини кўз-қўчилиб қайтган Сухробжоннинг қувончини кўрсангиз эди.

Ҳеч бир ютук ўз-ўзидан келмаган. Қолаверса, ҳар соҳанинг ма-

шаққати, сурурли онлари бўлади, албатта. Улардан бири ҳақида Сухробжоннинг онаси дейди: Таклифномани олгач, Беларусга ўрилчамиз билан бирга жўнадик. Саҳна маданиятидаги юксакликни айтмай-сизми? Дунё болаларининг ҳар бир чикиши театрлашган тантаналарни эслатади. Нуфузли сахнада фарзандимиз ўзбекча ва италянча қўшиқларни ўзига хос талқинда ижро этди. Туйғулар оламида яралган куй таниқли бастакор Алишер Икромовнинг изланишлари самараси эди. Намойиш репертуарлари якун толгач, ҳакамлар ҳайъати баҳо берадиган пайт ҳам келди. «Энг яхши сахна безаги учун», «Энг яхши чолғу ижрочи учун», «Энг яхши...» Ҳаяжонимизни ҳис қиларсиз? Юрак ҳовучлаб, жимгина ютинамиз. Ниҳоят, она-Ватанимиз ва Сухробжоннинг номи ҳам эҳтиром билан қайд қилинди. «Фестивалнинг энг жарангдор овоз соҳиби»га «Булбулча кўтарган бола» голиблик ҳайкалчаси топширилади. Эрим иккаламиз тик турган жойда шодликдан йиғлаймиз. Таниқли хонанда Алла Пугачева ёнимизга келиб, бир қучоқ гул тўтқазгандагина, ўзимизга келиб, сахна сари ошиқдик...

Сухробжон эса... Ана унинг ўзи ҳам келди. Салом билан кириб келган болакай биз билан қўл сиқиб кўришди. Суҳбатимиз чоғида келажак орзулари ҳақида сўрадим.

— Дадам мамлакатимиздаги барча меҳрибонлик уйлари бўйлаб хайрия концерти ўтказишимизни таклиф қилган, ҳозир шунга тайёрланаялмиз. Америкалик тенгдошларимдан таклиф келди, 9-синфни тугатиб, ўқишни ўша юртда давом эттирмоқчиман.

Бундай тилакларни балоқлар-возлик нишонига ёймаслик керак. Осмон мусаффо ҳар бир юрт фуқароси бундай ниятларга етишишга ҳақли. Хушовоз йигитчанинг дунё халқларини лол эта олиши, унинг отаси Мухиддин Кенжаевга «Эл-юрт хурмати» ордени, «Ўзбекистон маданият ишлари аълоҳиси» кўкрак нишонларининг тақдим этилишини буюк истиклол инъом этган неъматлар тимсоли дейиш мумкин.

Орзулар мангу ҳамроҳинг бўлсин, Сухробжон!

Мансур АЛОВУДДИНОВ,  
«Хуқуқ» мухбири





● TV АНОНС

# «ОЙНАМ ЖАХОН»ДА КҮРИНГ

## ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИГА TV ИЖОДКОРЛАРИ ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШГАН?

Кўз очиб юмгунча XXI асрнинг ilk йили ҳам тарих мулкига айланиб бораётир. Дунё ахли унинг иккинчи йилини ҳам кутиб олиш арафасида. Очиги, янги йилни салгина хавотир билан кутиб олиш баробарида янги умид, ишонч туйғуларни ҳам кўнглимизнинг бир чеккасида милтиллаётгани сир эмас. Нега?

Башариёт XXI асрга ўзгача ҳайрат, ўзгача ҳаётон билан қадам қўйгани бор гап. Бироқ унинг сўнгги тўрт ойи ҳаёт инсонларга ҳамиша шоду-хуррамлик ваъда қилавермаслигини кўрсатиб қўйди. Бундан ўзига хос хулоса ясаб олган инсоният эндиликда ёвузликка қарши ҳамжихатликда курашишга бел боғлади. Ким билсин, янги 2002 йилда ана шу ҳамжихатликнинг тантанасига гувоҳ бўлармиз. Ҳартугул умидимиз ҳам, ниятимиз ҳам шу...

Ҳа, ҳаёт қувончу ташвишлардан иборат. Мухими унинг қувончларидан ҳай тарзда баҳра ола билиш, ташвишларини эса сабот билан енга олишда. Келинг, ҳудобехуда гаплар билан бош оғритмайлик-да, асосий муддаога кўчаллик. Ахир, ҳар қалай олдимизда янги йил турибди. Сирасини айтганда, янги йилни кимнинг қандай кутиб олиши мутлақо шахсий масала. Аммо фан-техника тараққиёти авж олган бугунги шароитда ҳеч бир хонадон янги йил оқшомини ТВсиз тасаввур этолмаслиги аниқ. Ҳўш, янги йил оқшомини мароқли ўтказиш, кайфиятимизга янада кўтаринкилик бахш этиш учун TV ходимлари нималарни ваъда қилишаётир? Назаримда, бу савол кўпчиликини қизиқтириши аниқ. Шу сабаб ушбу савол билан TVнинг масъул ходимларига мурожаат этдик.

**Назар ЭШОНҚҮЛ:**

«Ўзбекистон» канали, «Маънавият ва маърифат» тахририяти Бош муҳаррири:

— «Ўзбекистон» телеканали ижодкорлари юртдошларимизнинг байрам кайфиятларини кўтариш мақсадида ўзига хос кўрсатувлар тайёрлашга ҳаракат қилишмоқда. Шу кунга режалаштирилган узлуксиз телемарафонда турли-туман томошалар, роликлар, куй ва қўшиқлар ҳамда табиийки, ҳазил-ҳангомалар намоёиш этилади.

Телемарафон дастури ҳақида гапирадиган бўлсак, энг аввал «Янги йил йўқлови» кўрсатувига тўхталиб ўтсам. Ушбу кўрсатувни тайёрлашда халқимизнинг менталитетидан келиб чиқилган. Мазлумки, халқимизда байрам кунлари яқин кишиларни, устозларни, ёру биродарларни йўқлаш, уларни зиёрат қилиш одағи айланган. Телеканал ижодкорлари ҳам ана шу анъанани содиқ қолган ҳолда халқимизнинг сеvimли ижодкорлари, танникли санъат намоёндалари хонадонларига ташриф буюришди.

Телевизион миниатюралар студияси томонидан истеъдодли адиб Анвар Обиджон қаламига мансуб «Янги йилда янги хотин» ҳажвияси асосида тайёрланган янги йил хангомаси томошабинларга манзур бўлади, деган умиддамиз. Янги йилни айниқса, болажонлар интиқлик билан кутишди. Улар учун тайёрланган «Санъат гунчалари», «Арча атрофида», шунингдек, «Қирол шер» мультфильмининг япон мультитипликаторлари томонидан яратилган янги талқини телемарафон дастуридан жой олган.

Бундан ташқари, шу кунги вилоятларимиздан тайёрланган «Ўлкамизда байрам шуқуқи» репортажи, «Сарҳисоб», «Янги йилни ким қандай кутиб олади?», «Янги йил йилари» каби туркум кўрсатувларимиз ҳам томошабинларни бефарқ қолдирмайди.

«Киносовға» ёки «Муҳофаза» - шоу ҳамда «Қиёфа» театрлаштирилган томошалари байрамона кўтаринкилик бахш этади. Яна бир гап. «Бахтли воқеа» телеуйинининг байрам сони ҳам айнан бизнинг каналда намоёиш этилади.

Юртдошларимиз Янги йилни янги омадлар билан кутиб олишларини чин дилдан истаб қоламиз.

Кечки дастурларимиздан эса АҚШ киноижодкорлари томонидан суратга олинган «Сабрина» мелодрамаси ҳам жой олган.

Қисқаси, дастуримизни тўлиқ баён этиб ўтирмайлик. Ишонтириб айтаманки, «Ўзбекистон» теледастурини томоша қилиб асло зерикмайсиз.

**Фатхулла ЗОИТОВ,**

«Ёшлар» телеканалининг бош режиссёри:

— Халқимизда «Минг бор эшитгандан, бир бор кўрган афзал», деган гап юради. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, байрам кунини эфирга узатиладиган кўрсатувларимизни, яхшиси, томоша қилиб, кейин баҳо берган маъмулроқ, назаримда.

Ҳозирча эса шу кунги режалаштирилган асосий кўрсатувлар ҳақида икки оғиз айтиб ўтишим мумкин ҳолос.

Хуллас, «Ёшлар» телеканали ижодкорлари янги йил оқшомини юртдошларимиз учун эсда қоларли бўлиб қолишини истаб, бор имкониятларини ишга солишди, десам янглишмайман. Кўрсатувларга келсак, ёшув қарининг сеvimли ўйинига айланиб бораётган «Заковат» интеллектуал ўйинининг янги йил сони айнан шу кунги эфирга кетади.

Байрам кайфиятини янада кўтариш мақсадида «Обид - шоу» ижодкорлари ҳам ўзига хос тарзда меҳнат қилишганини таъкидлаш жоиз. Республика «Қамолот» ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда тайёрланган «Ёшлар оқшомини» баъзида юртимизнинг доврўғини элга танитган ёш спортчилар, «Зулфия» мукофоти лауреатлари, «Ниҳол» совриндорлари иштирок этадилар.

«Ёшлар» телеканали янги йил оқшомига ажойиб совға тайёрлади. «Янги йил фантазияси» номли янги муқажали фильм томошабинларга ҳуш кайфият бағишлашига шубҳа йўқ.

Қолаверса, янги йилнинг биринчи кунини, яъни 1 январда эфирга узатиладиган «Маслаҳат» кўрсатувини (2 қисм), «Зинама - зина» интеллектуал ўйинини, «Шаҳзода» гуруҳининг концерти ҳам дам олиш кунининг файзли ўтишига хизмат қилади. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган 2002 йил билан телеканал ижодкорлари номидан қизгин муборакбод этаман.

**Ж. ШАРОФБОВ** тайёрлади

● ФАОЛИЯТГА НАЗАР

## ФАРОВОНЛИКНИНГ БИР ШАРТИ

Бугунги цивилизациялашган жамиятда ҳамма нарсаси бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ. Сиёсат, иқтисод, саноат, маданият каби соҳаларни боғлаб турувчи минглаб ришталар мавжуд. Буларнинг бари турмушимизда муҳим аҳамиятга эга, ҳеч бирини алоҳида таъкидламоқчи эмасман, бироқ халқимиз айтиб қўйибдики, «аввал иқтисод, кейин сиёсат».

Ким қандай кўз билан қарашидан қатъий назар, солиқларни иқтисодиётдаги аҳвол, унинг «қорорати» акс этувчи градусникка ўхшатиш мумкин. Ишлаб чиқариш соҳасида юқори даражадаги солиқлар меҳнатга рағбатни сусайтирса, аксинча солиқларнинг камайирилиши соҳанинг туркираб ривожланишига олиб келади. Бироқ гап бунда ҳам эмас. Турмушнинг фаровонлиги одамларда солиқ тўлаш маданияти қай даражада шаклланишига боғлиқ. Зеро, ҳаммамиз солиқ тўловчиларимиз. Солиқлар эса нафақат бюджетни тўлдириш, балки аҳолининг кам таъминланган қамламини қучли ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳам асосий шартидир.

Солиқларни ўз вақтида тўлаётганлар кўпчиликини ташкил этишини таъкидлаган ҳолда, қонун-қоидаларга хилоф равишда солиқ тўлашдан бўйин товлайётганлар, даромадини яширишга уринаётган ҳам бармоқ билан санарли эмаслигини айтиш жоиз. Бу эса мамлакат иқтисодидаги зарба бўлиб тушади. Қарда пенсия ва иш ҳақи таъминотида узалишлар бўлаётган экан, бунинг асосий сабаблари қаторида юқоридаги ҳолатни келтириш мумкин.

Ушбу муаммони бартараф этиш учун мамлакатимизда кўп ишлар қилинапти. Шу йил 6 июль кунини Ўзбекистон Вазирилар Маҳкамасида «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилиниши шулар жумласидандир. Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳузурида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди.

Солиққа оид жиноятлар ва қонун бузилишларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф

раф этиш, солиқ сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, аҳолида солиқларни тўлашдан бош торгтанлик ва иқтисодиёт соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги тушунчасини тарбиялаш каби масалалар департамент ходимларининг асосий вазифалари сирасига киради.

Бўлинмамиз ташкил этилган кундан бошлаб бу борада кўпалаб тадбирлар ўтказилди. Жойлардаги учрашув ва мулоқотларда одамларга солиқ соҳасидаги қонун-қоидалар, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари оддий қилиб тушултириб берилмоқда. Масалан, шундай учрашувлардан бирида мактабда қороеул бўлиб ишловчи фуқаро илгари ойлигидан солиқ ушланмаслигини, яқиндан бошлаб эса маълум фойз ушлаб қолинаётганини айтиб, масалага ойдинлик киритиб беришимизни сўради. Унга энг юқори солиқ ставкаси камайирилиши муносабати билан 2001 йил 1 январдан бошлаб Вазирилар Маҳкамасининг қарорига асосан минимал ойлик иш ҳақидан ҳам солиқ ушланаётганини тушултирдик.

Аҳолининг ҳуқуқий савияси билан боғлиқ масалани аста-секин ҳал қилиш мумкин. Бироқ, билиб туриб қонунбузарликка йўл қўяётган шахсларга нисбатан қатъий чора қўришга тўғри келади. Масалан, «Меммор» хусусий корхонаси бошлиғи С.Нурметов 1998-2000 йиллар давомида 768 минг сўмлик мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб келган. Унга нисбатан ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, 104 минг сўмлик 400 қути «PINE» сигаретини акция маркасида сотаётган фуқаро М.Хотамова ходимларимизга фаолиятининг қонунийлигини тасдиқловчи бирон-бир ҳужжат кўрсата олмади. Унга нисбатан ҳам тегишли чора қўрилди.

Умуман олганда, шу кунга қадар 23 корхона ва ташкилотдан 30 млн. сўмдан зиёд муддатни ўтган қарзлар ундирилди.

**Х.ОЛЛОБЕРГАНОВ,**

Урганч тумани прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

## ТАДБИРКОР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Бугунга келиб «бозор», «тадбиркор» деган сўзлар луғатимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаб бўлди. Бу борада муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, мамлакат бўйича ишлаб чиқарилаётган ялли ички маҳсулотнинг каттагина қисми иқтисодиётнинг хусусий сектори ҳиссасига тўғри келади. Бироқ бунга осонликча эришилаётгани йўқ. Ҳали жойларда тадбиркор ва фермерлар ишига тўғноқ бўлаётган эски тизим тарафдорлари топилади.

Масалан, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган шартнома шартлари лозим даражада бажарилмай келинаётганлиги аниқланиб, Наманган вилоят прокурорининг «Сардор» фермер ҳўжалиғи фойдасига «Косонсойконсерва» қўшма корхонасидан 357.311 сўм, «Т.Неъматов» ширкат ҳўжалиғи фойдасига «Янис-ЖВ» қўшма корхонасидан 21.835.415 сўм дебиторлик қарзини ундириш ҳақида вилоят ҳўжалик судига киритган даъво аризалари қўрилиши жараёнида жавобгарларнинг қарзларини тўлиғича тўлашига эришилган.

Тадбиркорликнинг ривожланишига носоғлом иқтисодий муносабатларгина тўсиқ бўлаётгани йўқ. Шу ерда бюрократларча муносабат ҳақида ҳам гапириш ўринли бўлар эди. Гап шундаки, Хатирчи туманидаги «Шариф бобо» фермер ҳўжалиғига туман ҳокимининг қарорига асосан 5 га ер берилиши зарур бўлса-да, ҳақиқатда ширкат ҳўжалиғи

томонидан 2.95 га ер ажратилиб, 2.05 га ер ҳўжалик мансабдор шахсларининг тўқсонлиги тўғрисида берилмасдан келинган. Мазкур ҳолат эъзасидан Навоий вилоят прокуратураси томонидан фермер ҳўжалиғи манфаатини кўзлаб ҳўжалик судига даъво аризаси киритилган.

Умуман, жорий йилнинг 1 ноябрга қадар вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан тадбиркорлар, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари манфаатларини кўзлаб ҳўжалик судларига 740,3 млн. сўмлик 401 та даъво аризаси киритилган. Уларнинг 346 таси судларда қўрилиб, 339 таси қаноатлантирилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, ушбу масалага доир Президент фармонлари, Вазирилар Маҳкамаси қарорларининг ижроси устидан назорат қилиш ҳамда тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер ҳўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

**Авазбек КОДИРОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим прокурори



## ● ҚИЛМИШ-КИДИРМИШ

Кечки пайт. Абдужалил Исмоиловнинг уйига тожикистонлик Ҳасан хожи ва Раҳматилла деган шахслар кириб келишди.

— Қариндошининг жаноаси-га ишлатаман, деб 500 доллар олганинг эсингдами? Индамасак, қайтариш парвойинга келмайдиганга ўхшайди. Ҳозир қарзингнинг қиймати ошди. Шу сабаб уни фоизи билан тўлашинга тўғри келади.

— А? — саросимага тушди Абдужалил.

— Эшитганинг, нима меровми-сан? Ҳисоблаб чиқсак, 500 долларнинг бугунги кундаги қиймати 4 минг кўкига етди.

— Сал инсоф билан айтинглари-да, бунча пулни қаердан оламан?



Ахир, рўзгорни бир амаллаб теб-ратаётган бўлсам.

— Бизларни сенинг муаммоларинг қизиқтирмайди. Қарзни қайтар.

Абдужалил бемаҳалда келган меҳмонларни яхши гапириб, эшикча кузатаркан, бир илложиникилиб топиб берарман, деб ваъда берди. 2001 йилнинг апрель ойида бу икки шахс яна Абдужалилникига келишди.

— Бор-ўйги минг доллар тоғдим, ҳозирча шуни олатуринглар.

— Э, йўқ, бунақаси кетмайди, — деди Ҳасан хожи қатъийлик билан, — тўласанг тезроқ тўла, бўлмаса қизингнинг олиб кетамиз.

Бу дағдагадан Абдужалилқўрқиб кетди.

— Йўқ, йўқ, бундай қилманглар, яна озроқ муҳлат беринглар. Қариндош-уруғлардан сўраб кўрай. Энди меҳмонлар дангалига кўчишди.

— Энди, ука, ўзинг билсан, қуруқ ойлик билан биз айтган пулни йиғиб беролмайсан. Бир таклифимиз бор. Шунга қўниб, уддасидан чиқсанг, ҳам қарзингдан қутуласан, ҳам ўзингни анча тиклаб оласан.

— Хўш, мен нима қилишим керак? — ўзини анча тугтиб олиб сўради Абдужалил.

— Озроқ героин бор. Шуни бир амаллаб Москвадаги танишимиз-никига элтиб бериш керак. Йўл харажатларидан ташвишланма. Уйлаб кўринингга ўн кун муҳлат етadini?

Абдужалил бу ишнинг қалтис эклигини билса ҳам, таваккал қилишга мажбур бўлди. Акс ҳолда...

— Майли, — деди у Ҳасан хожига қўл ташлар экан, — бир уриниб кўрай-чи.

— Бу бошқа гап. Юк «МАЗ» автомашинасининг ёнилги бакида.

Шундан сўнг Абдужалил Денов шахрига бориб, Россияга қатнай-диган ҳайдовчи қидиришга тушди. Излаган имкон топади, деганлари-дек, кўп ўтмай Термизда Салоҳид-

дин исмли йигит Москвага қатна-шишни билиб, унинг уйига йўл олди. Салоҳиддинни топиб, унга мева ортилган юк автомашинасини Москвага ҳайдаб бориш керакли-гини айтди. Гап орасида машинада героин борлигини ҳам кистириб ўтди. Салоҳиддиннинг розилигини олгандан сўнг навбат йўл ҳақи-га келди. Бу масалада ҳам дарров келишса қолишди. Бироз тортишув-дан сўнг 15 минг долларга кели-шишди.

Абдужалил кетгандан сўнг Салоҳиддин уйлаб кўрса, бу иш бир ўзига оғирлик қилар экан. У ўзи билан бир автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган Худойберди ис-мли ҳамкасбининг уйига йўл олди. Худойбердининг розилиги олиш қийинчилик туғдирмади.

Эртаси куни улар Абдужалил билан учрашиб, Ҳасан хожи ваъда қилган «МАЗ» автомашинасининг келишини кутишди. Машинадан да-рак бўлмагач, Абдужалил уйига

Урганч шаҳри машина бозорига борди ва у ердан давлат белгиси 22А 19 91 бўлган «СИЕЛО» автома-шинасини 3 минг АҚШ долларига сотиб олиб, Салоҳиддин Қиличев номига расмийлаштирди.

Гуруҳ аъзолари келишилган пайтда, белгиланган жойда учраш-дилар. Бироқ йўлга отланишга шо-шилишмади. Сабаби, юк ортилма-ган «КаМАЗ» машинаси боғжона ҳодимларида шубҳа ўйотиши мум-кин эди. Шу боис жиноятчилар Ур-ганч бозоридан 2 тонна пиёз билан 4 дона баллон хариб қилиб, маши-нага ортдилар. «КаМАЗ»ни Худой-берди Полвовон бошқариб бора-диган бўлди. Унинг ёнига ҳамроҳ бўлиб Ҳасан Исмоилов ўтирди. Уларнинг ортидан «СИЕЛО» авто-машинасида Салоҳиддин Абдужа-лил билан йўлга тушишди.

Тўрт азамат «қайдасан, Москва» деб кетаётганлариди қармоққа илин-дилар. Нукус шаҳридаги айланма йўлга етганларида иккала машина Қорақалпоғистон Республи-каси ИИБ ҳодимлари томо-нидан тўхтатилди. «СИЕЛО» автомашинаси кўздан кечи-рилганда, унинг юкхонаси-даги ўт ўчириш мосламаси ичидан 0,7 грамм ва орқа ўриндиқ ёнидан «Бонакуа» минерал сувининг ёрлик қозоғига ўралган 0,6 грамм, умумий вази 1,3 гр. бўлган героин моддаси топилиди. Сўнг Худойберди Полвовон бош-қариб келаётган «КаМАЗ» юк машинаси обдон текширил-ди. Унинг ёнилги бакидан Москвага сотиш учун олиб кетилаётган 60 килограмм 550 грамм героин моддаси ашёвий далил сифатида олиб қўйилди ва гуруҳ аъзоларининг қўлларига ки-шан солинди.

Суд жараёнида тўртала шахс айбини енгиллатишни, бу иш билан илгари шуғулланмаганини, бола-чака боқиб ўнчун шундай жи-ноятга қўл уришга мажбур бўлган-ликларини айтиб, ёлвордилар, ша-фқат сўрадилар. Бироқ суд ҳар бир жиноятчининг, ҳар бир гувоҳнинг берган қўрсатмасига таяниб, одил ва адолатли ҳукм чиқарди. Жумла-дан, жиноий гуруҳнинг ҳар бир аъзо-сини 20 йил озодликдан маҳрум қилиб, жазони қаттиқ тартибли ко-лонияда ўтатиш белгиланди. Ўзбе-кистон Президентининг «Аминият тўғрисида»ги Фармони 7-моддаси «б» бандига асосан тайинланган жазо 3/1 қисмига қисқартирилиб, 13 йилу 5 ой қилиб белгиланди.

Жиноятчиларнинг таржимаи ҳолига назар ташлар эканмиз, улар-нинг икки нафари ишлаб, икки на-фари ишсиз, бекор юрганини кўра-миз. Судда бу жиноятчилардан нима сабабдан бундай разил ишга қўл ур-ганиликлари сўралганда, улар: «Ишмизнинг тайини йўқ, болалар-ни боқиб керак, бир кунимизга яраб қолар деб шу ишга рози бўлгандик», дейишди. Героин мод-даси инсонни жар ва ҳалокат ёқаси-га етаклашини била туриб, «ажал савдо»-сига киришишди.

Шукурки, оғуфрушларнинг сав-доси пишмай қолди. Ҳаром йўл билан, биронинг соғлиғига, ҳаёти-га зомин бўлиш эвазига топилаган пул ҳеч қачон буямойлади. Уйламай босилган қадам, уйламай қилинган ишнинг охири аянчидир, жабрдир. «Аср вабоси»ни ёйишга аҳд қилган ҳар кимсанинг жазоси маҳкумли-дир. Шуни унутмасак, бас.

**А.СОЛИХОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратурасининг  
бошқарма бошлиғи,  
3-даражали Давлат адлия  
маслаҳатчиси

## ● ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР



Одатда қасддан одам ўлдир-иш билан боғлиқ жиноятларда жавоби сиру синоатлар очилишида қалит вазифасини бажа-рувчи ушбу савол дастлабки лаҳзаларданок жиноятни очишга киришган терговчининг ҳаёлида чарх уради.

Терговнинг ҳам ўзига хос қонунлари, ўзига хос услублари бор. Воқеа жойи ўрганилади, далил, ашёлар олинади, тахмин ва гумонлар илгари сурилади, жабрланувчи, гувоҳлар сўроқ қилинади. Гумондорлар ишга жалб қилинади. Муқаддам судланган ёки юриш-туришининг тайини йўқ, ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўйганларнинг «фоалият» ҳам бир бор ўрганилади. Хуллас, шу зайдла тергов жараёни ривожланиб бораверади. Ва кўп ҳолларда тергов гуруҳи томонидан илгари сурилган тахминлар тўғри бўлиб чиқади. Куйида ҳикоя қилинаётган қотиллик жиноятида ҳам «қотиллик муқаддам судланган шахслар томонидан содир этилган бўлиши мум-кин», деган тахмин ўзини оқлади.

Ёши бир жойга бориб қолган Сергей Смоляков улфатлари билан тез-тез кўнгилхушлик қилиб турар, базму жамшидларни ишча идишлардаги оқу қизил ичимликлар қизитгандан-қизитарди. Кейинги пайтларда эса у ўзидан деярли ўттиз ёшлар кичик бўлган янги даврадошлари билан хонадонда кечалар уюштириб турарди. Ана шундай кечалардан бири эса унинг учун ҳаётидаги энг сўнггиси бўлди.

2001 йилнинг 15 апрели. Пасха байрами куни. Қариянинг адаши Сергей ва Дмитрийлар қиттак-қиттак қилиб қайфиятларини кўтариб олишгач, зиёфатни давом эттириш мақсидида отахонлари Смоляковнинг уйига йўл олдилар. Улар учун бир томондан шуни эси-да, чолнинг бир ўзи яшайди, ҳалақит берадиган ёки тартибга қақирадиган одамнинг ўзи йўқ.

Табииyki куруқ қўл билан келмаган меҳмонларни уй эгаси хуш қайфият билан қутиб олди. Улфатлар давра қуриб, винони «майдалашга» тушдилар. Биринчи ишча бўшагач, уй эгаси ҳам саховат кўрсатди. Яна ичилди. Анчагина сархуш бўлиб олган Сергей чой ича туриб қўлидаги чашкани тушириб юборди. Бу бехосдан бўлгани ёки у бунга атайлаб қилгани, буёғи бизга қоронғу. Лекин полга тушиб, чил-чил синган идишни кўрган уй эгасининг авзойи бузилиб, Сергейга ўшқира кетди: «Хой, нега безорилик қилаяпсан, ё иззатинг битдимми? Ундай бўлса марҳамат, қўзимдан йўқол! Дмитрий иккаламиз ҳам ўтираверамиз». Қария Сергейни эшик томонга қараб итариб юборди. Сергейнинг ҳам бу танабхлардан жажли бурнининг учига келиб турган эканми, қўлига илашган металл буюм билан уй эгасининг пешонасига тушди. Қаттиқ зарбадан бўй-баста билан йиқил-ган чол ўзига келган пайтда Сергей уни стол чирогининг шури билан буғишга тушганди. Уй эгаси нима воқеа юз бераётганлигини англаб-англамай ҳаёт билан видолашди.

Ҳамтовоклар қилмишларининг оқибатини уйлаб ҳам ўтирмадилар. — Мана, чолни ҳам «тичқитдим», — деди Сергей Дмитрийга. — Лаш-лушларини йиғиштириб, тезда куёи бўлиш керак. Гувоҳлар йўқ, изимизни йўқотсак, бизни ернинг тағидан ҳам ахтариб топишолмайди.

Шундай қилиб, қотил ва унинг шериги марҳумга тегишли бўлган «DAEWOO» телевизор, унинг пулига ва хужжатларини, олти дона қумуш-дан ишланган стакан тағлигини одаялга ўраб воқеа жойидан чиқиб кетадилар.

Ўйранган буюмлар Тезиков бозорида пуллангач, пул тенг иккига тақсимланади. Ўзаро келишувга мувофиқ, икки шерик икки томонга йўл олади.

Ушбу ҳодисадан кўп ўтмай С. Костилев айбланувчи тарикасида ишга жалб этилиб, қамоққа олинади. Унинг қилмиши воқеа жойидан олинган далилий ашёлар, гувоҳларнинг қўрсатмалари билан тўлиқ ёшотланади. Айбдор ҳам қилмишига иқдор бўлади. Дастлабки тергов тугалланиб, иш айблов хулосаси билан судга оширилади. Суд ҳукми билан С. Костилев тегишли жазога тортилади. Аммо унинг ҳамтового Д. Скринниковнинг тақдири ҳамон номаълум, лекин унинг жавобгарлиқдан қочиб юрганлиги аниқ эди.

Кейинчалик аниқланишича, Дмитрий қилмиши фош этилишидан чўчиб Фаргона томонларга қочиб кетган. Уша ёқда ёлланма меҳнат билан шуғулланган. Хуллас, жиноятга жазо муқаррарлиги бир оз кеч бўлса-да, таъминланди.

Мақола бошида қотилликда гумон қилинаётганлар шахси ҳусусида сўз юритилган эди. Мана, энди бу масалага батафсилроқ тўхталиш мавриди келди.

**С. Костилев, 1971 йилда туғилган. Маълумоти ўрта, бирон-бир фойдали иш билан шуғулланмаган, муқаддам уч мартаба судлан-ган.**

**Д. Скринников, 1974 йилда туғилган. Маълумоти ўрта, ҳеч қаерда ишламаган.**

Судланувчиларнинг ичмаиғина таржимаи ҳоли шундай. Юқоридида сатрларнинг ўзидан ҳам улар ҳақида бемалол тегишли хулоса чиқариш мумкин. Уларнинг ёшлари ўттизининг нари-берисиди. Лекин, оила, рўзгор ҳақида қайғуришни ҳаёлига ҳам келтиришмаган. Негаки эл қатори яшашни ихтиёр этган одам бошқалар каби ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади. «Қаҳрамонларимиз»нинг эса на ўзига, на ўзгаларга нафи теккан. Бундайлар отланган йўл эса охир-оқибат жиноят кўчасига олиб боради. Жамият учун эса бундан ортқ ҳавф бўлмаса керак.

**С. БОЗОРОВ,**  
Ҳамза туман прокуратураси терговчиси





Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, жамият ҳаётининг барча соҳаларида, хусусан, соғлиқни сақлаш борасида ҳам чуқур ислохотлар жараёни бошланди. Ушбу йўналишга доир қонунлар, ҳукумат қарорлари қабул қилинди ва улар бүгун ўз самарасини бермоқда. Президентимизнинг 1998 йил 1 ноябрда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш бўйича Фармони»га асосан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, соҳада бошқарув ва молиялаштиришни тўбдан ислох қилиш бўйича 1999-2005 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинди. Буларнинг барчаси, Ўзбекистон Республикаси қасаба уюшмалари федерацияси қошидаги санаторий-курортлар бошқармаси учун ҳам дастуриламал бўлиб қолди.

Этироф этиш керак, юртимиз дунёнинг жаннатинанд минтақалари сирасига киради. Шу билан бирга Ўзбекистон заминидан инсон саломатлиги учун зарур ноёб табиий иқлимга эга шифобахш масканлар беҳисоб. Яна шуни ҳам этироф этиш керакки, Республикаимизда аҳолига санаторий-курорт хизмати кўрсатиш йил сайин яхшилланиб бормоқда. Утган давр ичида санаторий-курорт типидagi шифо масканлари тармоғини ривожлантириш, қайта таъмирлаш, янгиларини барпо этиш ва жиҳозлашда жаҳон стандартлари даражасига чиқиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Аммо бугунги кун кечагига ўхшамайди, давр талаби кун сайин ўсишда, ўзгаришда. Мамлакатимиз жаҳонга юз тутмоқда. Жаҳон бизни танимокда. Барча ислохотлар инсон учун, инсон бахт-саодати учун деган шioriн ўзимизга дастак қилган эканмиз, соғлиқни сақлаш тизими олдида ҳам улкан вазифаларни бажаришга сидҳидидан қиршишувимиз даркор. Бу ҳолат, ўзидан аҳолига санаторий-курорт хизмати кўрсатиш тизимини илгор хориж мамлакатлари тажрибасига таянган ҳолда, озод юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга мос тарзда ташкил этишни талаб қилмоқда. Зеро, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси қошидаги курортлар бошқармаси юрдошларимиз саломатлиги, Ватанда баркамол авлодни вояга етказиш, оилалар мустақамлигини таъминлаш каби эзгу мақсадларни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган ташкилотдир. Сўнгги пайтларда юртбошимиз ташаббуси билан инсон, оила, соғлом авлод, оналар ва болалар манфаатларининг йиллар тимсолида биринчи даражага кўтарилганлиги бизнинг фаолиятимизда ҳам ўз инъикосини топмоқда. Ва бу барча учун айни муддао деб бемалол айтиш мумкин.

Шу ўринда, 20 та шифобахш масканни ўзида бирлаштирган (17 та санаторий, 3 та дам олиш маскани) Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси санаторий-курортлар бошқармасининг бугунги фаолияти ва режалари хусусида

тўхталиб ўтиш жоиз.

Сихатгоҳларнинг моддий техник базаси аҳолининг ҳисобга олган ҳолда, сўнгги йиллардан бошлаб уларни жаҳон стандартларига мос равишда капитал ва қайта таъмирлаш (реконструкция), уларни замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозлаш бўйича ишлар режа асосида олиб боришмоқда.

Курортлар бошқармасига қарашли сихатгоҳларда капитал қурилиш ва реконструкция мақсадлари учун биргина 1998 йилда 146,2 млн. сўм маблағ сарфланди.

Фаолият кўрсатиб турган 18 та сихатгоҳлардан 14 таси кўп тармоқли, қолганлари эса маълум бир соҳага ихтисослаштирилган. 14 та сихатгоҳда бальнеологик даволаш минерал булок сувлари асосида олиб борилади, булар ўзларидаги кимёвий хусусиятлари бўйича дунёга танилган Грузия, Россия, Украина ва бошқа бир қатор хорижий давлатлардаги минерал сувлардан қолишмайди. Фақатгина «Қашқадарё соҳили» ва «Марҳамат» сихатгоҳларида бальнеологик даволаш ташкил келтирилган минерал сувлар асосида олиб борилади.

Қасаба уюшмалари сихатгоҳларида аҳолининг талаб ва тақлифларини эътиборга олган ҳолда маълум бир касалликларни даволаш мақсадида ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилган.

— «Чимён», «Чинобод», «Турон», «Чортоқ» ва «Бўстон» сихатгоҳларида гинекология;

— «Чимён», «Чинобод», «Турон», «Бўстон» ва «Нихол» сихатгоҳларида андрология;

— «Чинобод» ва «Нихол» сихатгоҳларида қандли диабет касалликларини даволаш мумкин.

«Турон», «Чортоқ» сихатгоҳларида юрак инфаркти касалликларини ўтказган беморларни давловчи «реабилитация» бўлимлари мавжуд.

«8-Март» сихатгоҳида болалар гинекологик касалликлар ва «Бўстон» сихатгоҳида орқа мия касалликлари реабилитация бўлимларини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Санаторий-курортлар тизими етарли даражада малакали мутахассислар билан таъминланган. Шифокор ва ҳамшираларнинг касб

# ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ...

маҳоратини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

Шифокорлар Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва бошқа илмий муассасаларда малакасини оширсалар, ҳамшира ва бошқа соҳа ходимларининг малакасини ошириш Қасаба уюшмалари ўқув методик марказида олдиндан тузилган режа бўйича олиб борилади.

Даволаш-диагностика жараёнини такомиллаштириш, янгиларини қўллаш, жумладан халқ табobati усуллари билан даволаниш татбиқи эшити чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бунинг учун алоҳида даволаш хоналари мавжуд.

Истакларни ҳисобга олган ҳолда, сихатгоҳларимизда даволанувчиларни овқатлантириш ярим ресторан усулида, олдиндан берилган талабнома асосида ташкил қилинган. Барча маданият саройлари, клуб ва кутубхоналарда халқимизнинг улғу фарзандлари, алломалари, классик шоир ва ёзувчиларнинг таваллуд кунлари, кутлуг саналарга бағишлаб китобхонлик кечалари, китоб кўргазмалари, байрам тадбирлари ўтказиб турилади. Сихатгоҳлардаги кутубхоналар доимо гавжум.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Курортлар бошқармаси йўлланмалар нархини имкон даражасида оширмасликка ҳаракат қилмоқда ва бизнинг йўлланмаларимиз нархи республикамиздаги бошқа вазирлик, идораларга қарашли сихатгоҳларникидан анча арзон.

Сихатгоҳларда даволанаётганлар ва дам олувчиларнинг ижтимоий қатлами таҳлил этсак, уларнинг 60 фоиздан кўпрогини ишчи-хизматчилар, 20 фоизга яқинини нафақахўрлар, 11 фоиздан кўпрогини II жаҳон ва Афғон уруши иштирокчилари, шунингдек, ногиронлар ташкил этади. Мижозларимизнинг 6 фоизга яқини талаба ва ўқувчилардир.

Юқорида айтиб ўтганимиздай, Ўзбекистондаги шифо масканлари хорижникидан ҳеч бир жиҳатдан қолишмайди. Яъни дардини берган шифосини ҳам бериб қўйибди. Ҳама гап олдимиздан оққан сувнинг қадрига етишда...»


А.ЙЎЛДОШЕВ,  
Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси қошидаги курортлар бошқармаси бошлиғи



Наманган вилоятидаги «Чортоқ» санаторийси.



Тошкент вилоятидаги «Бўстон» санаторийсининг фитобари.



Тошкент шаҳридаги «Турон» санаторийси.



Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар!



РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

Янги 2002 йилда ҳам хонадонингиз чароғон бўлсин, уйингизни илиқлик тарқ этмасин!

«Мўворақ» иссиқлик электр маркази»

2002

ЯНГИ ЙИЛ  
БАХТ ВА ҚУВОНЧ  
КЕЛТИРСИН!

КАТТАКУРҒОН ЕҒ-МОЙ КОМБИНАТИ



РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

# «ТАЪМИНОТЧИ ПАХТА»

*Жамоаси Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаятган янги 2002 йил билан самимий қўтлайди. Мустақил юртимизга ва унинг ҳар бир хонадонига тинчлик, фаровонлик тилайди.*

## «ПАРВИНА БАНК»

Қўшма корхонаси ўзбек халқини янги 2002 йил билан чин дилдан муборакбод этади. Барчангизга янги йилда янги зафарлар ва янги натижалар тилайди.

## «СУНДУС»

Қўшма корхонаси халқимизни янги йил билан қўтлайди

## «ЎЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

Жамоаси барча ўзбекистонликларни янги 2002 йил билан қизгин муборакбод этади!





**РЕКЛАМА**


**РЕКЛАМА**

BRITISH AMERICAN  
TOBACCO  
UZBEKISTAN

*Yangi yil bilan!*

**«UZBAT»**

*Кўшма корхонаси  
Ўзбекистон халқини  
кириб келаётган янги  
2002 йил билан қизгин  
муборакбод этади!  
Янги йилда барчангизга  
тинчлик, фаровон тур-  
муш тиллойд*



**«ЖўРАЕВ БАҲРОМ»**  
хусусий корхонаси

*Жамоаси барчангиз-  
ни яқинлашиб кела-  
ётган янги 2002 йил  
билан табриклайди.  
Хонадонингиздан  
қут-барака арилае-  
лишни тилаб қолади.*



**«LIB INVEST»**

*Кўшма корхонаси жамоаси юртимиз аҳли-  
ни кириб келаётган янги 2002 йил билан  
самимий муборакбод этади. Барчангизга  
муштақам соғлиқ, ишларингизда муваф-  
фақият, хонадонингизга қут-барака тилай-  
ди.*

Республика акциядорлик  
тижорат банки

**«ҒАЛЛА БАНК»**

*Жамоаси юртимиз аҳлини янги 2002 йил  
билан чин дилдан муборакбод этади. Янги  
йилда барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломат-  
лик ва хонадонингизга файзу-барака тилаб  
қолади.*

*«ҒАЛЛАБАНК» хонадонингизга  
барака келтирсин!*





РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

# «DORI-DARMON»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК АССОЦИАЦИЯСИ

Хампортларимизни  
яқинлашиб келадиган  
янги йил байрами  
билан табриклаб,  
сўхат-саломатлик,  
мустакил мамлакатимиз  
раснақи йўлидаги  
интиқларда  
музаффақиятлар  
тилайди

РА «Нур-Пресс» №002


2002

Бутун Ўзбекистон халқини  
янги йил байрами билан  
қизғин қутлаймиз.  
Юртдошларимизга тинчлик, омонлик,  
оилаларига тотувлик тилаймиз

# «UZAGROTRANS»

КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

РА «Нур-Пресс» №003



# Янги

# йилингиз

# муборак бўлсин,

# азиз юртдошлар!

2002

# «САЙРАМ-ТУРИЗМ»

ёпик турдаги акционерлик жамияти




РА «Нур-Пресс» №004





РЕКЛАМА

РЕКЛАМА



**«ЗАНГИОТАШАРОБСАВДО»**

жамоаси Ўзбекистон халқини кириб келаётган  
янги **2002** йил билан табриклайди

**«INVETLAIN»**

Қўшма корхонаси ўзбек халқини янги 2002 йил билан чин дилдан муборакбод этади. Барчангизга янги йилда янги зафарлар ва янги натижалар тилайди




# РО «САВДО ТАРАКҚИЁТИ»

*Поздравляем народ узбекистана с наступающим новым годом!*

*Yangi Yilangiz bilan!*

## «ВАТАНПАРВАР»



Чиланзарский РС, объединенный со спортивно-техническим клубом ОСО «Ватанпарвар» приглашает желающих обучаться на курсы водителей категории «В», «ВС» и «Е».

Обращаться по адресу: г.Ташкент, ул.Ариасай, 1 а (бывшая Пионерская). Ориентир: метро М.Улугбека, 13 троллейбус, 33автобус, остановка Буржар.  
Телефоны: 79-59-45; 79-59-31; 79-74-62.



# ● БИЛАСИЗМИ?

## ЯНГИ ЙИЛНИ КИМ ҚАНДАЙ БАЙРАМ ҚИЛАДИ?

Курраи заминда биринчи бўлиб Янги йилни Фижиге архипелагининг 160 та оролида яшаётган халқлар нишонлайди. (Архипелагда 320 та орол бўлиб, уларнинг тенг ярмида аҳоли яшайди).

Жаҳоннинг биронта ерида Янги йил Индонезиянинг Бали оролидаги сингари тез-тез нишонланмайди. Гап шундаки, Балида бир йил 365 кун эмас, балки 210 кундан иборат деб ҳисобланади.

Янги йил келганда кўплаб мамлакатларда бал-маскарадлар уюштирилади. Масалан, Японияда юзларига ниқоб тутган рақослар дўстубиродарлариникига кириб, уларга Янги йил қўшиқларини кўйлаб берадилар.

Бирмада Янги йил апрель ойида, тропик ёмғирлар тинган маҳалда нишонланади. Бирмаликлар табиатдан миннатдорликларини кўрсатиш мақсадида бир-бирларига сув сеппиб, Янги йил билан табриклайдилар.

Шотландия ва Уэльсда йилнинг сўнгги дақиқаларида эски йилнинг чиқиб кетиши ва Янги йилнинг кириб келишига шарафит яратиш учун эшикларни ланг очиб қўядилар.

Вьетнамда муомалада бўлган ой календарини бўйича қадим замонлардан бери Янги йил байрами — «тет» ҳар йили, турли вақтларда байрам қилинади.

Урта асрларда Англияда Янги йил март ойида бошланган. Давлат парламентининг 1752 йилда Янги йилни 1 январда нишонлаш тўғрисида чиқарган қарори кўйлаб аёлларнинг қаттиқ қаршичилигига сабаб бўлган. Ҳазилчан аёлларнинг айтишича, «аёлларни ҳар йили икки ой «қаритиб» қўйишга ҳеч қандай парламентнинг ҳақи йўқ» экан. Бунга қарата парламент спикери (раиси): «Мана сизга аёлларча фикр юритишнинг классик намунаси», деб жавоб қилган.

Кения давлатида Янги йилни сув устида байрам қиладилар. Кенияликлар Янги йил кўни дарёларда, кўлларда, океанда «уйиб» чўмилидилар, қайиқларда сузалидилар, қўшиқлар айтиб шодландилар.

Ҳиндистон аҳолиси эса ҳар сафар қайси Янги йилни кутиб олаётганликларини аниқлашга ҳам қийналиб қолади, чунки Ҳиндистонда ҳозирги кунда ҳам тўртта эра, яъни Салиаха, Викрамдита, Жайна ва Будда эраларига амал қилувчилар умргузаронлик қиладилар. Ҳиндистон жанубида Янги йил март ойида, мамлакат шимолида апрель ойида, Керал штатида эса гоҳ июлда, гоҳ августда нишонланади.

Болгарияда 31 декабрь кўни Янги йил киришидан 3 минут олдин барча уйларда чироклар ўчирилиб, тунги бўсалар вақти бошланади. Кореяда бўлса Янги йил кутуб олинган, барча кишилар кўчаларга сайр қилишга чиқадилар. Бундай сайру-томошалар чоғида буй этган қизлар албатта баландликка сакраш бўйича мусобақалашадилар.

Италияда Янги йил кечаси кишилар эски ашқол-дашқолларини деразадан кўчага улоқтирадилар, шу сабабдан бундай пайтларда кўчада сайр қилиш ўта хавфлидир.

Гавтида Янги йил янги ҳаёт муқаддимаси ҳисобланади, шу сабабдан бир-бирлари билан арашзалиб юрган кишилар ярашиб оладилар.

Айтишларича, Рим императори Каллигула Янги йилнинг биринчи кўни сабр олдидаги майдонга чиқиб, фўқорлар келтирган совға-саломларни қабул қилар ва ким нима келтирганини ён дафтарчасига ўз қўли билан ёзиб қўяркан...

Йўлдош ПАРДА тайёрлади

## ПАТИФАЛАР

Янги йил кечаси Карл ғирт маст ҳолда йўл чекчасидаги кўлмакда ағанаб ётарди. Уни қўриб қолган бир полициячи ёрдам бермоқчи бўлиб, кўлидан тортган эди, Карл рад этди.

— Кўйворинг, мен ўзим суза оламан. Аввал аёллар ва болаларни кутқаринг!

Янги йил кечаси швабиялик икки киши ресторанда вино ичиб ўтиришарди. Тўсатдан улардан бири шундай деди:

— Бас, энди ичмайман. Ҳозирданок нарсалар кўзимга иккитадан кўринапти.

Иккинчиси чўнтагидан битта ўн маркали пул чиқариб, унга узатар-

кан, деди:


— Дўстим, эсингдами, менга йигирма марка пул қарз берганинг. Мана, пулларингни олиб қўй.

Янги йил кечаси Шеел маст ҳолда зўрга уйига етиб келди, аммо ҳар қачна уринмасин калитни кўлфга сололмади. Шу пайт ёнидан ўтиб бораётган кишининг унга раҳми келиб, деди:

— Оғайни, калитни беринг, мен очиб юбора қолай.

— Қўйинг, овора бўлманг, ўзим очиб оламан. Иложи бўлса сиз уйни ушлаб туринг, қимирламаса бўлгани.

Янги йил кечаси ҳўранда офици-



Энига: 7. Олий илм даргоҳи. 8. Устоз аёл. 11. Ҳўкимши аёл. 15. Тўлдириш варақаси. 17. Ҳўсимликлар таркибидидаги хўшбўй, сўюк модда. 19. Совғалари бор қария. 20. Машҳур француз композитори. 21. Галла. 22. Афзал, яхши, ортиқ. 23. Субтропик мева. 24. Танаси тиканли нордон мева. 26. Россия автомоби́ли русуми. 29. Қўллазма. 31. Йўлбошчи, раҳнамо. 33. Электр заряди. 34. Олий ҳазо. 37. Хўшбўй сўюк-лик. 38. Эру хотин уруши ... рўмол қуриши. 39. Қиш маликаси. 41. Сўт маҳсулоти. 48. Иҳод маҳсули. 50. Қозоқ миллий таоми. 54. Пиёланнинг «опа»-си. 55. Тафаккур қилиш, яратиш. 56. Рўзгор буюми. 57. Алибобо ва ... қароқчи. 58. Тоғ қўрқи. 59. Халқ шоири, баҳши. 60. Мўлжал. 62. Олдиндан ҳақ тўлаб ОАВга ёзилиш. 65. Раҳот Нури асари. 66. Аргентиналик машҳур футболчи.

Бўйига: 1. Виждони йўқ киши. 2. Самарқандда

чиқариладиган музлатгич. 3. Машҳур ҳинд актёри. 4. Қуръоннинг 114-боби. 5. Сўяқичидаги ёғсимон модда. 6. Амир зурриёди. 9. Муддао. 10. Қўркам, осуда, озода. 12. Заррабин. 13. Тинчлик, осойишталик, дам. 14. Йўлнинг этаги, чегараси. 16. Россиядаги дарё. 18. Бошлиқ аёл. 20. Дурдгорлик асбоби. 25. Сон. 27. Юздаги табассум нишонаси. 28. Ўзбекистондаги вилоят. 30. АҚШ юқори палатаси аъзоси. 32. Европадаги давлат. 40. Дард, азоб. 42. Ақлли, фаросатли. 43. Мустақиллик, озодлик. 44. Сайроқи қуш. 45. Вертолёт русуми. 46. Қовурилган жўхори. 47. Илмий ҳодим. 49. Нарвон. 51. Бола (шева). 52. Мусулмончиликда фарз амал. 53. Кемирувчилар қушандаси. 60. Чизилар гултожи. 61. Шаффоф материал, ойна. 63. Сайёра. 64. 12 бурждан бири.

Навруза ЛУТФУЛЛАЕВА тайёрлади

## Кутловлар

Дадажонимиз Абдулла Ботбеков!

Сизни кутлуг 50 ёшингиз билан чин юракдан кутлаймиз. Сизга соғлиқ-саломатлик, узок умр тилаймиз. Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг!

Ўғлингиз Комилжон, келинингиз ва набираларингиз. Хоразм вилояти

Хўрматли Искандар Ходжаев!

Докторлик илмий ишингизни муваффақиятли ёқлаганингиз билан қизгин табриклаймиз. Келгуси ишларингизда ҳам омад доимо ёр бўлсин деб, дўстларингиз. Тошкент шаҳри

## ● БУ АЖИБ ДУНЁ

### ФУТБОЛ — БИЗНЕС

Ҳар бир терма жамоа ЖЧ-2002 финал босқичига йўлланмани кўлга киритар экан, муҳлисларига қанчадан қанча завқ-шавақ бахш этади. Энди маълум бўлаётгани, бунинг нафакат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам фойдали томонлари бор экан.

Яқинда ФИФА ЖЧ-2002 нинг мукофот жамғармаси 232,75 млн. швейцария франки миқдоридида эканлигини эълон қилди. Шундай қилиб терма жамоалар ЖЧ-2002 га тайёрланишга 1 млн. гуруҳ баҳсларидаги ўнча ўйиннинг ҳар бири учун (ютиш-ютқазилишдан қатъий назар) 1,5 млн., 1/8 финалга чиқса 1,6 млн., 1/4 финалга чиқса 1,8 млн., 1/2 финалга чиқса 2 млн. швейцария франки миқдоридида пул олади. 3-ўрин учун ўйнаганларга ҳам 2 млн. дан тегади. Финалчи 2,25 млн.ни кўлга киритса, чемпионга 2,5 млн. топширилади.

Қўринадики, ҳар бир жамоага қамиди 5,5 млн. франк (3,3 млн. \$) ишлаб олиш кафолатланган. Жаҳон чемпиони эса жами 13,4 млн. франк (8,04 млн. \$) эгаси бўлади.

Жамоаларнинг транспорт харажатлари ҳам ФИФА бўйича. Бизнес-класс авиабилетлари ҳам шунга қиради. Шунингдек ФИФА мамлакатлар делегацияларининг ҳар бири аъзоси учун бир кунга 350 франкдан ажратган. 13 млн. франк эса хавфсизлик чораларини қўйиштиришга кетади.

Нима ҳам дердик, «повездан» қолиб кетган муҳлисларнинг яна «фигони фалакка ўрлайдиган» бўлди-да.

## ЎТТАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Республика Бош прокуратурасининг бўлим катта прокурори О. Умрзоқовга акаси **Шароф МАТТАҚУЛОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман прокурори Б. Ҳақназаровга онаси **ШАРИФА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.